МАШИНА—ДЕҲҚОННИНГ ДЎСТИ

КЕЧА ТОШКЕНТДА ЁШ ПАХТАКОР-МЕХАНИЗАТОРЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ ТЎРТИНЧИ СЛЁТИ ОЧИЛДИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48-йил чиқиши
№ 194 (12.848).
21 АВГУСТ 1964 йил
ЖУМА
Баҳоси 2 тийин.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг ёш пахтакор-механизаторларнинг Бутуниттифоқ IV слётига йўллаган табриги далаларимиз гвардиячиларини пахтачилигимизни комплекс механизациялаш учун курашда янги зафарларга илҳомлантирмоқда.

Машиналарга—кенг йўл!

ШИЖОАТ КЎРСАТИНГ, ЁШЛАР!

ЁШ ПАХТАКОР-МЕХАНИЗАТОРЛАР БУТУНИТТИФОҚ КЕНГАШИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

Пахтакор-механизаторлар Бутуниттифоқ кенгашининг қатнашчилари бўлган сизларни партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати номидан самимий табриклайман. Пахтакор республикаларда кўп марталаб бўлганман ва колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари мамлакат экономикаси учун жуда аҳамиятли бўлган пахта етиштиришни кўпайтириш йўлида нақадар эўр иш олиб бораётганликларини кўрганман.

Сиз, механизаторлар пахта ҳосилини қандай қилиб тезроқ, яхшироқ ва нобудгарчиликка йўл қўймай, териб олишдек катта ва муҳим вазифани муҳокама қилиш учун тўпландингиз. Механизатор эса қишлоқда энг ҳал қилувчи киши, ҳосилнинг тақдири унинг меҳнатига ва маҳоратига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Пахтачиликнинг тақдири кетмонга эмас, балки машинага боғлиқ эканлигини исбот қилишимизга тўғри келган вақтлар бўлган эди. Партиянинг йўли тўғрилигини турмуш исботлаб берди. Эндиликда комплекс механизацияга, машинага қаттиқ таянмай туриб, арзон пахта олиш асло мумкин эмас.

Партия Ленин васиятларига амал қилиб, комплекс механизациялаш ва интенсивлаш негизида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида катта тадбирларни амалга оширди, қишлоқда техника тараққиётини ўтказувчи механизаторларнинг ажойиб кадрларини тарбиялаб етиштирди. Ҳамма жойда, ҳар бир колхоз ва совхозда трактор ва пахта териш машинасининг рулида йигитлар ва қизлар ўтирганлигидан қувонмоқдамиз. Ўрта Осиё, Закавказье республикаларида ва Қозоғистонда икки мингга яқин комсомол-ёшларнинг комплекс механизация бригадалари гектар бошига камида 30 центнер пахта олиш учун мусобақа қилаётганлигини эшитиб, хурсанд бўлдим. Бу — жуда яхши иш. Мамлакатимизда пахта етиштиришни кўпайтириш учун кураш намунасини ёшлар кўрсатмаса ким кўрсатади.

Сиз, азиз дўстларнинг мўл ҳосил учун курашда химия, комплекс механизация, илғор агротехника, фан муваффақиятлари, ўзларингиздан катта ўртоқларнинг бой тажрибаси сингари ишончли ва содиқ кўпгина иттифоқчиларингиз бор. Сизларда тенглашишга арзийдиган, ўрнак олишга арзийдиган кишилар бор! Жавод Кўчиев ва Турсуной Охунова, Валентин Тюпко, Омон Чориев ва Саодат Нўғаева, Райҳон Ўсканбоева ва Шоди Расулов, Халимахон Шомирзаева ва Гоар Асатрян, Сардор Имраилев, Қувондиқ Абдураззоқов ва бошқа кўпдан кўп ажойиб мўл ҳосил усталаримиз бор.

Улар эришаётган ютуқларнинг сири нимада? Бу сир аввало, шундан иборатки, улар ғўза парваришини комплекс механизациялаштирмоқ учун техникани яхши ўзлаштириб олдилар. Сизлар пахта етиштиришни кўпайтириш билан бир вақтда мамлакатда энг арзон пахта бераётган мана шу новатор механизаторларнинг маҳоратини муқаммал эгаллаб олишларингиз керак.

Сиз, механизаторлар, колхозчилар ва совхоз ишчилари билан бирга баҳорда ва ёзда аъло даражада меҳнат қилдиларингиз. Пахта далалари ҳосилнинг яхши бўлишидан дарак бериб турибди. Энди энг муҳими шуки, пахтани ўз вақтида ва нобуд қилмай териб олиб, давлатга 5 миллион 222 минг тонна пахта топшириш тўғрисида пахтакорлар олган мажбуриятларни бажариш керак.

Механизаторлар бу ишга катта ҳисса қўшишлари лозим. Сизлар бир миллион тоннадан кўпроқ пахтани машиналарда териб олишингиз керак. Ёш пахтакорлар ҳозирдан бошлаб, кўп нарсаларни ўйлаб қўйишлари лозим. Аввало, пахта териш агрегатларининг ҳаммасининг қувватидан тўла фойдаланиш учун техникани ва далаларни намунали равишда тахт қилиб қўйиш керак. Ишни шундай ташкил қилиш керакки, пахта териш машиналари албатта икки сменада ишлайдиган бўлсин, машинада терилган пахта эса бункердан олиниб, поток усулида тайёрлаш пунктларига юбориб туриладиган бўлсин.

Сиз, азиз дўстларга меҳнатда катта муваффақиятлар тилашга ва пахтани машинада териш соҳасида олдингизда турган масъулиятли вазифаларни шараф билан бажармоқ учун ёш пахтакор-механизаторлар ҳамма нарсани қиладилар, деб қатъий ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Н. ХРУШЧЕВ.

Тошкент, 20 август. Ёш пахтакор-механизаторларнинг Бутуниттифоқ IV слёти. Суратда: мажлислар залида.

И. Глауберзон фотолари.

СОВЕТ ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ РУМИНИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

МОСКВА, 20 август. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. И. Миконян бошчилигидаги совет партия-ҳукумат делегацияси Руминия Ишчи партияси Марказий Комитети, Руминия Халқ Республикаси Давлат кенгаши ва РХР Министрлар Советининг таклифига биноан, бугун Москвадан Бухарестга жўнаб кетди. Делегация Руминия фашистлар асоратидан озод қилинган кунининг 20 йиллигини байрам қилишда қатнашади.

Шереметьево аэродромида делегацияни Н. С. Хрушчев, Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, Д. С. Полянский, Л. Н. Ефремов, Ю. В. Андропов, П. Н. Демичев, Л. Ф. Ильичев, В. И. Поляков ва бошқа ўртоқлар, шунингдек Руминия Халқ Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Николае Гуинэ кузатиб қўйдилар.

ТИНЧЛИК ИШИГА ҚЎШИЛГАН ҚИММАТЛИ ҲИССА

Кипр Республикасининг президенти архиепископ Макариос СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчевга телеграмма юборди. Телеграммада бундай дейилади: Кипрдаги қишлоқларни, касалхоналарни ва мактабларнинг Туркия авиацияси томонидан ҳеч бир суриштирмай бомбардимон қилинаётганлигига чек қўйиш мақсадида ҳарбий ёрдам кўрсатиб, бунга аралашиш тўғрисида қилинган чақириққа Сизнинг ижобий ва самарали жавобингизни Кипр халқи ва ҳукумати чуқур миннатдорлик ва миннатдорчилик ҳислари билан кутиб олди.

«Сиз агрессорни дангал огоҳлантирганлигингиз, деб ёзади Макариос, ўзларининг ғаразгўйлик мақсадларида ҳаракат қилаётган кучлар томонидан путур етказилаётган халқаро тинчлик ишига қўшилган энг қимматли ҳиссадир.

Сизнинг руҳлантирувчи гапингиз учун жуда катта миннатдорчилик изҳор қиламиз. Бу ёрдамни амалга ошириш йўлларини муҳокама қилишга Сизнинг тайёр эканлигингизни ҳам табриклаймиз». (ТАСС).

Суратда: Совет Иттифоқи Қаҳрамони, космонавт-учувчи Юрий Алексеевич Гагарин ёш пахтакор-механизаторлар слёти қатнашчилари орасида.

СССР БИЛАН РУМИНИЯ ЎРТАСИДА ҲАРБИЙ КЕМАЛАРНИНГ ЎЗАРО ВИЗИТИГА ДОИР

Совет Иттифоқи ва Руминия ўзаро дўстона визитлари тўғрисида ҳукуматлари ҳарбий кемаларнинг келишиб олдилар.

ЁШ ПАХТАКОР-МЕХАНИЗАТОРЛАР КЕНГАШМОҚДА

Навоий номидаги опера ва балет театри олдидаги қуёш ёғду сочиб турган майдонда «зангори кемалар» ҳал қилувчи штурмга шайланган жанговар машиналар сингари саф тортиб турибди. Уларнинг капитанлари эса театр залида ўзларининг традицион Бутуниттифоқ кенгашларига тўпланганлар.

Мамлакатдаги барча пахтакор республикалардан келган ёш механизаторларнинг вакиллари пахта терими арафасида ўзларининг жанговар марраларини белгилаб олмоқ, пахта далаларининг ёш азаматлари олдига партия қўйган юксак талабларни бажариш йўлларини мўлжаллаб олмоқ учун бу ерда 20 августда бошланган кенгашга тўпланишди.

Залдагиларнинг ҳаммаси гарчи ёшлар бўлса ҳам, аммо кенгаш қатнашчиларининг кўксидаги олтин юлдузчалар ва орденлар шу йигитлар ва қизларнинг ҳаммаси каттА ижодий камолотга етган, катта меҳнат тажрибасига эга бўлган кишилар эканлигини кўрсатиб турибди. Совет пахтачилигида техника тараққиётини бошлаб бераётган кишилар мана шуларнинг ўзи. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини тезроқ интенсивлаш учун курашнинг олдинги сафида турган кишилар ҳам мана шуларнинг ўзи.

Ёш пахтакор механизаторларнинг Бутуниттифоқ IV кенгашини ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари **А. И. Камшалов** очди.

Биз, деди у, меҳмондўст ўзбек элида тўртинчи марта тўпланиб турибмиз. Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Закавказье қардош республикаларидаги ёш пахтакорларнинг слётларини ўтказиш яхши традиция бўлиб қолди, пахтакорларнинг меҳнат муваффақиятларига, пахта етиштиришни кўпайтириш резервларига ўтказиладиган кўрикка айланди, пахта далаларидаги ёш меҳнаткашларнинг меҳнат байрами бўлиб қолди.

Пахтакор республикаларнинг ёшлари ҳамиша ўз слётларига ўзларининг меҳнат совғаларини бағишлайдилар. Бизлар ғўзани парвариш қилишни комплекс механизациялаштириш, пахтани машинада теришга тайёрланиш ва уни ўтказиш, КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарорларини бажаришда тагин ҳам активроқ қатнашиб, бундан буён қиладиган ишларимиз тўғрисида маслаҳатлашиб олмоқ учун тўпланишдик.

Бу сафарги кенгашда қатнашаётган энг яхши ёш пахтакорлардан саккиз юз киши ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан шу кенгашда иштирок қилиш ҳуқуқини олишга муваффақ бўлдилар. Булар орасида Ўзбекистон, Тожикистон, Озарбайжон, Туркманистон, Арманистон, Қирғизистон ва Қозоғистондаги колхозлар ва совхозларда ишлаб турган комсомол ёшлар комплекс бригадаларининг раҳбарлари, ёш механизаторлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва комсомол ходимлари бор.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюроси раисининг ўринбосарлари В. К. Акулинцев ва С. М. Веселов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари В. А. Карлов, Р. Қурбонов, М. М. Мусахонов, Р. Н. Нишонов, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат Қ. Муртазоев, СССР «Госземводхоз»и ҳузуридаги Ўрта Осиё пахтачилик Давлат комитетининг раиси В. Н. Куликов, Ўзбекистон комсомол Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Абдуллаева, қардош республикалар комсомоли Марказий Комитетларининг секретарлари, пахтачилик илғорлари ва новаторлари кенгаш президиумидан жой оладилар.

(Охири иккинчи бетда).

СЎЗ—КЕНГАШ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

ДИЛИМИЗДАГИ НИЯТ

Ҳ. АМИРОВ,
Тожикистон ССР Мастчоҳ бошқармасидаги Куйбишев номли колхоз бригадири, СССР Олий Советининг депутати.

Слётда тожикистонлик кўпгина йигит-қизлар ҳам қатнашмоқда. Биз ҳар биримиз бу йил терим машинасидан яхшироқ фойдаланишни дилимизга тугиб қўйдик. Бултур мен 179 тонна пахта тергач эдим. Бу йил 200 тонна пахта териш қатъий аҳду паймонимдир.

ДЎСТЛИК, ҲАМКОРЛИК

Ҳамро ЖАББОРОВ,
Туркманистон ССР Денов бошқармасидаги «Большевик» колхозининг механизатори.

Бултур 80 тонна пахта терган эдим. Бу йил 100 тоннадан каммайман. Кенгашдан катта таассурот олдим. Янги дўстлар орттирдим. Ленинча дўстлигимиз, ҳамкорлигимиз борган сари мустаҳкамланаверсин.

РАҲМАТ, ДЎСТЛАР!

Оганна НЕРСЕСЯН,
Арманистон ССР Октябрь районидаги «Норамася» колхозининг звено бошлиғи.

Биз тоғлар ва боғлар ўлкасидан келдик. Республикамиз озгина пахта етиштиради. Лекин ҳамма гап улкан, ҳаётбахш дўстлигимизда. Биз пахтачилик илмини ўзбек дўстларимиздан, дугоналаримиздан ўрганмоқдамиз. Слётда мен билан бирга Арташад районидан механик-ҳайдовчи Мирзоян ва дугочам Нора Абрамян қатнашмоқда. Биз дўстлар даврасида жуда хушнуд бўлдик. Турсуной Охунова ва бошқа атоқли ўзбек механизаторлари бизга жуда яхши маслаҳат беришди. Раҳмат, дўстлар!

ЁШ ПАХТАКОР-МЕХАНИЗАТОРЛАР КЕНГАШМОҚДА

(Боши биринчи бетда).

Кенгашнинг фахрий қатнашчиси, СССРнинг биринчи космонавт учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Юрий Алексеевич Гагарин президиумга чиқиши билан ҳамма уни самимий кутиб олади.

Содиқ ленинчи, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик учун атоқли курашчи Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Президиуми кенгаш нинг фахрий президиумига гулдурос қарсаклар остида сайланади.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев кенгашга юборган табрикни Ш. Р. Рашидов ўқиб эшиттирганида залда овация янада зўр куч билан бошланиб кетади. Ёш пахтакорлар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ўзларининг ролларига юксак баҳо берилганлиги учун, пахта далаларининг меҳнаткашларига оталарча ғамхўрлик қилинаётганлиги учун партия ва ҳукуматга чин кўнгилдан ташаккур изҳор қиладилар.

«Комплекс механизацияни пахтачиликда жорий қилиш ва пахтани машинада териб олишга тайёрланиш учун кураш»да комсомол ташкилотларининг, ёш пахтакорларнинг иштироки тўғрисида» доклад қилиш учун сўз КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюроси Раисининг ўринбосари **С. М. Веселовга** берилади.

Ёш механизатор пахтакорларнинг Бутуниттифоқ IV кенгаши, дейди докладчи, совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида КПСС XXII съезднинг тарихий қарорларини амалга оширмоқ учун, мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг жуда катта программасини рўёбга чиқармоқ учун фидокорона меҳнат қилаётган кунларда тўпланди.

Пахтакор республикаларнинг меҳнаткашлари коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Саноат корхоналарининг коллективлари саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг етти ойлик планини муддатидан олдин бажардилар. Капитал қурилиш ҳажми ўсиб бормоқда. Қишлоқ меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги ҳамма тармоқларни янада юксалтиришга қаратилган қарорларини бажармоқ учун актив кураш бошлаб юборгандар.

Ғалла фронтида эришилаётган меҳнат ғалабалари тўғрисида ҳозир улуғ Ватанимизнинг ҳамма томонидан хушхабарлар келмоқда. Ўрта Осиё ғаллакорлари умумиттифоқ ғалла хирмонига бирталай ҳисса қўшмоқдалар. Шимолий Кавказ қишлоқ хўжалик ходимларининг ўтган йилги кенгашида Никита Сергеевич Хрушчев дон экиларидан муттасил ҳосил олмоқ учун сугориладиган деҳқончиликнинг катта резервлари борлигига ҳаққоний равишда эътиборни жалб қилган эди. Ўрта Осиё республикаларида пахтачиликка зарар етказмай туриб 850 минг гектар ерга ғалла экиш мумкинлигини кўрсатиб берган эди. Ўрта Осиё пахтакорлари Н. С. Хрушчевнинг бу маслаҳатлари ва кўрсатмаларини жанговар программа деб қабул қилиб ва бажариб, сугориладиган ерлардан рационал фойдаланиш соҳасида катта иш қилдилар ва 1964 йилда сугориладиган ерларнинг 854 минг гектарига, яъни ўтган йилдагига қараганда 279 минг гектардан кўпроқ ерга дон экинлари экдилар.

Кўпгина хўжаликлар буғдой, арпа ва нўхатдан мўл ҳосил етиштирдилар. Ўзбекистон ғаллакорлари давлатга 35 миллион пуддан ортиқроқ, яъни планда-гига қараганда қариб уч баравар кўп дон сотиб, Ватанни анниқса хурсанд қилдилар. Давлатга Туркманистон ССР колхозлари ва совхозлари икки миллион пуддан ошиқроқ, Тожикистон деҳқонлари уч миллион 200 минг пуддан кўпроқ ғалла бердилар. Қирғизистон ССР планни яқин кунлар ичида бажарди.

Ўрта Осиё республикалари илгари ҳеч қачон шу қадар кўп ғалла тайёрламаган эдилар. Бу меҳнат ғалабасида комсомолнинг ҳиссаси оз эмас. Ўзбекистон комсомоллари сугориладиган ерларнинг ҳар гектаридан юз центнер ғалла олиш учун социалистик мусобақа байроғини баланд кўтардилар. Уларнинг ташаббусини КПСС Марказий Комитети қизғин маъқуллади ва қувватлади. Ўрта Осиё республикаларининг ҳаммасида бу қимматли ташаббус кенг ёйилди. Ёш ғаллакорлар буғдой ва арпанинг биринчи ҳосилини ўриб олиш билан яна такрор ғалла экдилар. Комсомол-ёшлар бригадаларининг олган мажбуриятлари, Никита Сергеевич Хрушчевга берган ваъдалари шараф билан бажарилишига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

Никита Сергеевич Хрушчев Қирғизистон пойтахтида ирригаторлар билан ўтказган суҳбатида, деди докладчи, сугориладиган ерларда маккажўхори экишни кенгайтириш, чорва молларни боқиб семиртирмоқ ва мол гўшти етиштирмоқ учун барқарор озуқа базаси вужудга келтириш соҳасида Ўрта Осиё республикаларининг имкониятларини чуқур ўрганиб чиқишни тавсия қилди. Чорва молларни маккажўхори силоси билан боқиб семиртириш ҳисобига келгуси йилнинг ўзидаёқ бир неча минг тонна мол гўшти бериш тўғрисида қўйилган вазифани амалга оширишда комсомол ташкилотлари актив роль ўйнашлари лозим.

Мамлакатни пахта билан таъминлаш Ўрта Осиё республикалари ва Озарбайжон меҳнаткашларининг интернационал бурчи бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва бундан бўён ҳам шундай бўлиб қолади. Партиямиз, унинг ленинчи Марказий Комитети пахтачиликни ривожлантиришга гоят катта эътибор бермоқда. Партия пахтакорларнинг меҳнати ва турмуши тўғрисида оталарча ғамхўрлик қилиб, уларга катта моддий-техникавий ёрдам кўрсатмоқда. Пахта етиштириш тез кўпайиб бораётганлиги мана шу ёрдамнинг ва пахтакорлар қаҳрамонона меҳнат қилаётганлигининг бевосита натижасидир. Шу нарсани кўрсатиб ўтиш кифоя қиладики, Совет ҳокимияти йилларининг ҳаммасида етиштирилган 98 миллион тонна пахтанинг деярли ярмиси кейинги ўн йил ичида етиштирилди. Ўтган йил рекорд ҳосил олинди. Мамлакатимизда 5 миллион 210 минг тонна пахта тайёрланди.

Келгусида тағин ҳам юксак марраларга эришмоғимиз керак. КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми мамлакатда пахта етиштиришни 1970 йилда 6 миллион 800 минг тоннага етказиш вазифасини қўйди. Бу — енгил вазифа эмас. Бу вазифани фақат қишлоқ хўжалигини интенсивлаш йўли билан, ўғитлардан кенг фойдаланиш, сугориладиган деҳқончиликни ривожлантириш ва комплекс механизация асосида ҳал қилиш мумкин. Қишлоқ хўжалигини интенсивлашга, ихтисослаштирилган ишлаб чиқаришни идора қилишга тааллуқли масалалар КПСС Марказий Комитетининг қисқа ўтказиладиган Пленумида қўйилажаги партия КПСС Программасини зўр бериб, изчиллик билан, тобора кўпроқ ғайрат билан кенг кўламда амалга ошираётганлигини кўрсатиб турибди.

1970 йилга қадар Ўрта Осиёда 1 миллион 300 минг гектар янги ерларни ўзлаштириш, янги, катта сув-омборлари, гидроузеллар ва каналлар қуриш мўлжалланмоқда. Ирригация қурилиши ва сугориладиган ерларни кенгайтириш ишда комсомол ташкилотларининг роли катта. Норак, Чорвоқ, Кампирравот, Тўқтағул сув омборлари, Қорақум канали ва бошқа шулар каби бир қанча катта иншоотлар Бутуниттифоқ комсомол зарбдор қурилишлари бўлиб қолди. Бу қурилишларни тезроқ битказиб ишга туширишда партия ташкилотларига ва бинокорларга кўмаклашиш пахтакор республикалардаги комсомол ташкилотларининг шарафли ишидир.

Ўғитларни кенг ва самарали қўлланиш хўжаликни интенсив юритишнинг асосий шартларидан биридир. Пахтакор хўжаликларни мамлакат ўғитлар билан мўл-кўл таъминламоқда. Ўтган йил Ўрта Осиё республикаларида чигит экилган ерларнинг ҳар бир гектарига 11 центнердан мўлроқ ўғит солинди. Минерал ўғитлар органик ўғитлар билан қўшиб солинган ерларда энг кўп самара олинаётганлигини илғор колхозлар ва совхозларнинг тажрибаси кўрсатиб турибди.

Қишлоқ меҳнаткашлари, комсомоллар ва ёшлар химия муваффақиятларини деҳқончиликка жорий қилиш соҳасида КПСС Марказий Комитети қўйган вазифаларни ҳал қилишга интилиб, агрохимия билимлари билан ҳаммани қуроллантириш учун катта юришга отландилар. Ҳар бир республика, область, район, колхоз ва совхозда ёш мутахассисларнинг кучи ҳамда партия ва комсомол ташкилотларининг ёрдами билан агрохимия хўжаликлари тузилди. Ўрта Осиё республикаларининг ўзидагина кўпчилиги ёшлардан иборат бўлган уч юз мингдан кўпроқ киши, шу тўғаракларда ўқиб билим олди ва билим олмоқда.

Минерал ўғитларни авайлаб, тежаб-тергаб сақлаш ва ташиш улардан самарали фойдаланишнинг муҳим масаласидир. Озарбайжон комсомоллари бу ишда яхши ташаббус кўрсатдилар. Улар ўғитларни, захарли химикатларни ва гербицидларни станциялардан ўз вақтида ташиб олишни, складларда сақлашни ва хўжаликларда фойдаланишни доимий назорат остига олдилар. Бу республикада ўғитларни сақламоқ учун комсомол ташкилотларининг иштироки билан юздан кўпроқ склад бинолари қурилди. Барча комсомол-ёшлар бригадалари химия муваффақиятларидан юқори даражада самарали фойдаланиш намунасини кўрсатишлари лозим.

Пахта етиштиришни янада кўпайтириш, — деди сўнгра докладчи, — пахтачиликда комплекс механизациянинг жорий қилинишига чамбарчас боғлиқдир. Кейинги ўн йил ичида пахтакор хўжаликларни техника билан таъминлашда жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Пахтакор хўжаликлар ўзларида бўлган техникани батамом деярли янгилаб олдилар, улар хийла мукаммал тракторлар, машиналар ва деҳқончилик асбобларига эга бўлиб қолдилар. Бироқ, пахта етиштиришда қўл меҳнати ҳали ҳам кўп сарфланмоқда.

Қўл меҳнатининг чамаси 20 процентги ўтоқ қилишга сарф бўлмоқда. Гербицидлар ёрдами билан бегона ўтларни анча — уч баравар камайтириш мумкин. Буни Валентин Тюпконинг тажрибаси, бутуниттифоқ пахтачилик институтининг тажрибалари исботлаб берди. Ҳозир пахтакорлар гербицидлар ишлаб чиқарадиган қувватларнинг ишга туширилишини сабрсизлик билан кутмоқдалар. Гербицидларнинг химиявий хоссаларини ва уларни қўлланиш агротехникасини ёшларга ўргатиш учун ҳозирдан бошлаб комсомол ташкилотлари амалий чораларни кўришлари зарур.

Лекин пахтани териб олиш пахтачиликдаги энг қийин иш бўлиб қолмоқда. Пахтачиликда сарфланаётган жамики қўл меҳнатининг ярмиси ҳосилни теріб олишга сарф бўлмоқда. Бундай аҳволга энди ортиқ тоқат қилиб бўлмайди.

Республикаларда, деди докладчи, пахта териш машиналари механизаторлари ва ҳайдовчиларининг ажойиб кадрлари ўсиб етишди. Ўтган йил Ўзбекистонда 544 механик-ҳайдовчининг ҳар бири 100 тонна ва ундан кўпроқ пахтани машинада теріб берди. Донгдор механизаторлардан Жавод Кўчиев ва Мамажон Дадажоновлар эса тўрт қаторли агрегатлар билан ҳар бири 300 тоннадан кўпроқ пахта теріб топширидилар. Мамажон Дадажонов ёш пахтакорларнинг ўтган йилги слётида берган ваъдасини шараф билан бажарди. Мирзачўллик Қувондиқ Абдураззоқов, хоразмлик Ҳалимахон Хошимова, андижонлик Омонхон Исмоилова ва бошқа илғор механизаторлар ҳам пахтани машинада теришда яхши кўрсаткичларга эришдилар.

Қирғизистон ССРда 15 механик ҳайдовчининг ҳар бири 100 тонна ва ундан ҳам кўпроқ пахтани машинада теріб берди. Бу республикада қизлардан Ҳалимахон Шомирзаева 150 тонна, Зулфия Тожибоева 115 тонна, Саодат Нўғаева 112 тонна пахтани машинада теріб энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Ўш областида ҳеч бир йигит шу қизлардан кўра яхшироқ кўрсаткичга эриша олгани йўқ. Ўш областининг қизларига, дейди докладчи, бундан буён ҳам пахтани машинада теришда биринчиликни қўлдан бермасликларини тилаймиз. Шу билан бирга йигитлар ҳам ўтган йилнинг сабоқларидан тегишли хулоса чиқариб олишлари лозим.

Тожикистон ССРнинг Воҳе ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ленин номли колхоз аъзоси Гавҳарби Фироқованинг ажойиб ишларини айтиб ўтиш керак. Ўтган йил у колхоз комсомол ташкилотнинг секретари бўлиб ишлаб, ўн олти қизга шахсан ўзи ўрнак бўлди ва бу қизларнинг ҳаммаси пахта териш машиналарининг штурвалларини қўлга олдилар. Колхоз пахтани биринчи марта машинада теришга киришиб, минг тоннадан кўпроқ ҳосилни машинада теріб олди. Бу ишда комсомол ташкилотининг, унинг бошлиғи Гавҳарби Фироқованинг ҳам хизматлари катта, албатта. Бу шонли қиз ҳозир бригада бошлиғи бўлиб ишлаб, гектар бошига 40 центнер пахта етиштиришга ва бутун пахта майдонининг 80 процентидаги ҳосилни машинада теріб олишга ваъда бермоқда. Тожикистон комсомоли ундан намуна олиб, пахта теришни механизациялашни кенг жорий қилиш учун катта иш бошлаб юборишги керак.

Туркманистон ССРда ҳам пахтани машинада териш усталари оз эмас. Бу республикада ўтган йил «Байрамали» совхозида Омон Чориев 164 тонна пахтани машинада теріб топширди. Қозоғистон ССРнинг Чимкент областидаги «Келес» совхозида Райхон Усанбоева машинада 100 тоннадан кўпроқ пахта терди. Озарбайжон ССРдаги 5-совхозда Дилафруз Ўжақулиева машинада 150 тонна пахта терди.

Мамлакатимиз пахтакорлари ҳақли равишда фахрланишга арзийдиган бошқа кўпгина ёш механизаторларнинг номларини айтиб бериш мумкин. Шу билан бирга, шуни айтиб ўтиш керакки, пахта теришни механизациялаш жуда қониқарсиз жорий қилинмоқда. Ўтган йил машинада терилган пахта Ўзбекистон ССРда атиги 16 процентни, Қирғизистон ССРда 18 процентни, Озарбайжон ССР да 6 процентни, Тожикистон ССРда 4 процентни, Туркманистон ССРда 8 процентдан камроқни, Қозоғистон ССРнинг Чимкент областида 7 процентни ташкил қилди. Ҳар бир машина билан Ўрта Осиёда ўрта ҳисобда 40 тоннадан камроқ, Тожикистон ва Туркманистон республикаларида эса ҳатто 19-20 тонна, Озарбайжон ССРда 13 тонна пахта терилди.

Айни вақтда «Совой», «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» «Ҳазорбоғ» сингари илғор хўжаликларда бир агрегат билан 83-89 тонна пахта терилди. Агар Ўрта Осиёда ҳар бир машина 70-80 тонна пахта терганда эди машинада терилган пахтанинг салмоғи икки баравар кўпайган бўлар эди. Мана шунинг ўзи ҳам комсомол ташкилотларининг қиладиган ишлари ҳали кўп эканлигини кўрсатиб турибди.

Ўрта Осиё республикалари, Озарбайжон, Арманистондаги ва Қозоғистон ССРнинг Чимкент областидаги қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бу йил Ватанга 5 миллион 220 минг тонна пахта бериш мажбуриятини олишган. Ҳозир пахта далаларида ҳосил тўплаш учун қизғин кураш бормоқда.

Комплекс механизациялашган минглаб бригада ва звеноларнинг мамлакатнинг атоқли механизаторлари Жавод Кўчиев билан Валентин Тюпкодан намуна олиб ишламоқда. Кўчиев бригадаси бу йил ҳар бир ишчи ҳисобига 50 тоннадан пахта етиштириш учун курашмоқда. Валентин Тюпко 2-«Оққўрғон» совхозида бошчилик қила бошлаган 15 та қолоқ звено ҳар гектар ердан 26 центнер ҳосил олишга ваъда берди. Бу звеноларда ҳар бир ишчига олти-етти гектардан ер тўғри келади, шунинг учун асосий ишларнинг ҳаммаси машинада бажарилмоқда. Тошкент областида ҳозирдаёқ уч минг звено Тюпко технологияси асосида ишлаб, ғўзаларнинг 80 процентини парвариш қилмоқда.

Хоразмлик Искандар Юсупов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси ажойиб натижаларга эришди, бу бригада ўтган йили 63 гектар ернинг ҳар гектаридан 53 центнер пахта олиб, мамлакатда рекорд ҳосил етиштирди. Бу йил коллектив 60 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқда. Ҳеч шубҳа йўқки, донгдор коллектив ўз ваъдасини шараф билан бажаради.

Мамлакатнинг машҳур механизатори Турсуной Охунова бошлиқ бригада фидокорона меҳнат намунасини кўрсатмоқда. Турсуной ўтган йили слётда сўзга чиқиб, пахта ҳосилдорлигини кескин оширишга ваъда берган эди. Слётдан кейин у, қодхознинг энг қолоқ бригадасига ўтиб ишлай бошлади. Ана шу бригадада ҳосилдорлик бир йилда икки баравардан зиёд кўпайиб, 40,6 центнерга етди. Илғорлар сафига чиқиб олган бригада ҳозир гектар бошига 43 центнер пахта олиш учун курашмоқда. Коллективга ишнинг кўзини билиб, моҳирлик билан раҳбарлик қилишда ана шундай ҳикмат бор. Тожикистонда Шоди Расулов, Қирғизистон ССРнинг Ўш областида Арофатхон Хўжахонова, Туркманистонда Авлиёқули Отажонов, Озарбайжонда Риза Ражабов бошлиқ комсомол-ёшларнинг комплекс механизациялашган бригада ва звенолари ҳамда бошқа кўпгина коллективлар ўз мажбуриятларини бажариш йўлида муваффақиятли ишлямоқдалар.

Бироқ, бир қанча ишлаб чиқариш бошқармаларида комплекс механизациялаштирилган бригадаларнинг аҳамиятига етарли баҳо берилмаяпти.

Мамлакатдаги колхоз ва совхозлар бу йил бир миллион етмиш минг тонна пахтани машиналарда териш мажбуриятини олдилар. Бу ўтган йилдагидан бир ярим баравар кўпдир. Ўзбекистон ССР машинада 750 минг тонна, Қирғизистон 45 минг тонна, Озарбайжон 80 минг тонна, Тожикистон 90 минг тонна, Туркманистон 84,4 минг тонна, Қозоғистон ССРнинг Чимкент области 25,2 минг тонна пахта теради. Бу мажбуриятни анча ортиқ билан бажариш учун пахтакор республикаларнинг ҳаммасида катта-катта имкониятлар ва резервлар бор.

Машина теримининг атоқли усталаридан Жавод Кўчиев, Валентин Тюпко, Турсуной Охунова, Мамажон Дадажонов, Саодат Нўғаева, Райҳон Усанбоева, Шоди Расулов, Ҳожи Амиров, Омон Чориевлар барча механизаторларга ҳамда колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига мурожаат қилиб, уларни пахтани машинада теришга намунали ҳозирлик кўришга чақирдилар. Уларнинг ҳар бир машина билан 70-80 тонна пахта терайлик, деган даъвати механизаторлар орасида кенг маъқуллаб кутиб олинди. Ҳозир комсомол ташкилотлари теримгача қолган кунлар ичида машиналарнинг икки сменада ишлаши учун зарур миқдорда механик-ҳайдовчилар тайёрлашлари, уларнинг малакасини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқлари керак.

Колхоз ва совхозлар машина теримига қандай тайёргарлик кўраётганлиги яқинда Ўрта Осиё республикаларида ўзаро текширишлар ўтказилиб, жиддий камчиликлар очиб ташланди. Бу камчиликлар шундан далолат бериб турибдики, бир қанча ишлаб чиқариш бошқармалари ва хўжаликларда теримга тайёргарлик ишига ҳали тегишинча талабчанлик ва эътибор билан қаралаётгани йўқ. Комсомол ташкилотлари бу ишга актив аралашиб, аниқланган камчиликларни тезроқ тугатиш учун зарур чораларни кўришлари керак.

Далаларнинг дефолиацияга ўз вақтида ҳозирлаб қўйилишини контроль қилиб турувчи комсомол постларининг фаолиятини кучайтириш, бу прогрессив тадбирга халқит беришга қаратилган ҳар қандай уринишларга қатъиян чек қўйиш лозим. Машина терими учун майдонларни ажратишда бир қанча хўжаликларда йўл қўйилган қўпол хатоларни ҳам йўқотиш зарур. Ҳар бир машина учун мавсумда теришга ажратилган майдон миқдори кам деганда 35-40 гектар бўлиши шарт. Комсомол ташкилотларининг вазифаси — пахта тозалаш саноатида ишга тушириладиган объектларни ўз вақтида ишга тахт қилишда бинокорларга ёрдам беришдан иборат. Бу эса, бункерлардан қоп-қанорсиз тўппа-тўғри тайёрлов пунктларига келтириладиган пахтани тўхтовсиз суратда қабул қилиб олишга имкон беради.

Ғўзаси ўсишдан орқада қолаётган участкаларни яхши участкаларга тенглаштириб олиш учун ҳали етарли вақтимиз бор. Олинган мажбуриятларнинг бажарилиши пахта далаларида қунт ва ғайрат билан ишлашга боғлиқ эканлигини тушуниб олиш керак.

Минглаб механик - ҳайдовчилар ўзларининг «зангори кема»ларини ҳужумга олиб чиқиб теримни бошлашларига саноқли кунлар қолди. Ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб олиш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасининг олдинги сафларида бўлиш ёш механизаторларнинг шон-шараф ишидир.

Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон меҳнаткашлари бу йил ўз республикалари ва коммунистик партияларининг 40 йиллигини тантана билан нишонлайдилар. Улар совет халқларининг қардошлик оиласида ўзлари босиб ўтган шонли йўлга якун ясайдилар. Давлатга пахта теріб топшириш соҳасида давлат планларини ва социалистик мажбуриятларни бажариш — юбилейга энг яхши туҳфа бўлади.

* * *

С. М. Веселов доклади юзасидан қизғин музокаралар бошланди. Музокаралар 21 августда давом эттирилади.

Тошкент пионерлари ёш механизаторларни қизғин табриклашдилар. Улар ўз акалари ва опаларига ишда янги ютуқлар тиладилар.

20 август тушдан кейин кенгаш қатнашчилари группаларга бўлиниб, «Ташсельмаш», ва «Ўзбексельмаш» заводларига, трактор йиғув заводига, Тошкент тўқимачилик комбинатига, Давлат пахтачилик махсус конструкторлик бюросига бордилар, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш Ўрта Осиё институтига, Ўрта Осиё машина-синаш станциясига ва Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Политотдел» колхозига чиқиб келдилар.

Шаҳар яқинидаги Ю. А. Гагарин номли пионерлар лагерида дам олаётган болалар кенгашнинг ҳурматли меҳмони, биринчи совет космонавти Ю. А. Гагаринни шоду ҳуррамлик билан кутиб олдилар.

Ёш пахтакор-механизаторлар IV Бутуниттифоқ кенгашининг қатнашчиларига кечқурун катта концерт қўйиб берилди.

(ЎзТАГ).

БИРИНЧИ КОСМОНАВТ ЯНА ЎЗБЕКЛАР ДИЁРИДА

Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳамда биринчи бўлиб космосга йўл очган Юрий Алексеевич Гагарин ўртасида унутилмас учрашув бўлиб ўтган эди. Биринчи космонавт 19 августда яна ўзбеклар диёрига келди. Мамлакатимизнинг ёш механизатор-пахтакорлари уни ўзларининг тўртинчи Бутуниттифоқ слётларида қатнашиш учун таклиф қилдилар. Бу слёт 20 августда Тошкентда очилди.

... Қуёш нурига чўмган Тошкент аэропортининг перрони гулдасталар билан безатилган. Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларининг жуда кўп вакиллари, механизаторлар слётининг қатнашчилари, партия, совет, комсомол ходимлари азиз меҳмонни табриклаш учун бу ерга келдилар.

«ТУ-104» тез учар лайнерининг силуэтини кўришга одатланиб қолганмиз. Бу лайнернинг космик пассажирлари ҳамиша учувчининг кабинаси ёнидан ўрин олишлари ҳам бизга оддий воқеа бўлиб қолди. Самолётнинг эшиклари ланг очилади. Космонавт учувчи Юрий Гагарин самолёт трапига чиқади.

Бу ердаги кишиларнинг ҳар бири космонавт билан кўришишни истар эди. Лекин тошкентлик пионерларнинг аҳил тўдаси перронга югуриб чиққанида, ҳамма уларга йўл беради.

— Қанчадан-қанча гуллар! — жилмайди Юрий Алексеевич. — Мен бу гулларга кўмилиб кетаман-ку.

У болаларни қучади, уларга эҳтиёт, болалар унинг бўйнига қизил галстук боғлайдилар.

Уни кутиб олувчилар орасида учувчилар кўп. Космонавт самовий дўстлари билан самимий саломлашади.

Слётда қатнашмоқ учун ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари А. Н. Камшалов ҳам Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ю. А. Гагарин билан бирга Тошкентга келди. (ЎзТАГ).

СУРАТДА: Ўзбекистон ССР Марҳамат ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Партия XXII съезди» колхозининг комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи Маннон Жалолов (ўртада) қардош республикалардан келган механизаторлар билан суҳбатлашмоқда.
И. Глауберзон фотоси.

СЛЁТ ЗАЛИДАН РЕПОРТАЖ

ПАХТАЗОР ФАЗОКОРЛАРИ

Уларнинг чеҳрасига, уларнинг табассумига, уларнинг дўстлигига қараб туриб баҳорни, мавжланиб турган денгизни эслайсиз. Лекин уларнинг ёшлиги баҳордан ҳам гўзал, денгиздан ҳам мавжли, бўрондан кучли, тоғлардан ҳам юксак. Шундай бир ҳаётбахш дўстликки, бу дўстлик тоғни талқон, чўлни бўстон этишга, дарёларни жиловлаб, миллионмиллион гектар қўриқ ерлар очишга, қоинот сирларини билишга, жаҳонда ҳар бир ишга қодирдир.

Мен кеча Тошкентда ёш пахтакор-механизаторларнинг Бутуниттифоқ IV слёти очилган ҳашаматли бинода бўлиб, қадрдон арман қизлари, Турсунойнинг қирғизистонлик дугоналари, Мамажон Дадажоновнинг Тожикистон ва қуёшли Туриманистондан келган дўстлари, Озарбайжон пахтакорларининг вакиллари — гвардиячи йигит-қизлар билан сўзлашар эканман, шулар ҳақида ўйладим.

Ана, президиумда энг атоқли кишилар — ёшлар, некса гвардиянинг вакиллари ҳам ўтирибди. Ўртада совет ёшларининг, шу жумладан мана шу кенгашга тўпланган пахтакор ёшларнинг азиз меҳмони Юрий Гагарин. Унинг ёнгинасида Турсуной Охунова, унинг нариги томонида атоқли пахтакор, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул ота Турсунқулов.

Ҳамроқул ота Улуғ Октябрь тонгидаёқ қўлига қурол олиб, ёш Совет республикасини душманлардан сақлаб қолиш учун жонбозлик билан курашган, колхоз тузумининг ветеранларидан бири. Гагаринни бутун дунё билади. Турсуной Охунова ўзбек хотин-қизлари ўртасида «зангори кема»ни юргизган биринчи дарга. Унинг ватанпарварлик ташаббуси наҳадар кенг ёйилганлигини мана шу залнинг ўзиёқ кўрсатиб турибди.

Тожихон Эрматова оддий теримчи эди. Меҳнат уни улуғлади. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлди. Қирғизистоннинг Аравон районидан келган бу қаҳрамон қиз энди механик-ҳайдовчи. Турсунойнинг бундай дугоналари Қирғизистонда ҳам, Қозоғистонда ҳам, Тожикистон, Туркманистон, Озарбайжон ва Арманистонда ҳам кўп. Бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ана шу азаматлар бу йил Ўрта Осиё республикалари Ватанга ҳадя қиладиган 4 миллион 851 минг тонна пахтанинг камида 1 миллион тоннасини машинада теріб оламиз деб шайланиб турибдилар. Ўзбекистон, Тожикистон, Туриманистон, Қирғизистон «оқ олтин» денгизларида бу йил камида 20 минг «зангори кема» бункерларидан катта хирмонга пахта тўкилади.

Ленин орденли Андижон область Марҳамат ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ильич номли колхоз комплекс механизациялашган бригадасининг бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Мамажон Дадажоновнинг бир ўзи мавсумда 350 тоннадан ортиқ пахтани машинада тераман деяпти. Баракалла, азамат! Мамажон Дадажонов ёни Инобат Охунованинг қаҳрамонлигини қайси фазокорнинг жасоратидан кам дейиш мумкин? Дала гвардиячилари энг яхши механик-ҳайдовчиларимиз чинакам пахтазор фазокорларидир. Буни Юрий Гагариннинг ўзи ҳам тасдиқлаб турибди.

Ана минбарда СССР Олий Советининг депутати, агроном, «Совой» совхозининг директори Узоқбой Саримсоқов. У совойликларнинг пахтачилик тарихида бултур кўрсатган жасорати, совхозда ҳар бир пахтакор, ҳар бир бригадир механик-ҳайдовчилик насбини мукаммал ўрганиб олганлиги тўғрисида иқтиҳор билан гапирмоқда.

Искандар Юсуповнинг номи тилларда достон бўляпти. Пахта майдони — мардлар майдони, деб ҳар бир деҳқонни буюк жасорат кўрсатишга чорлаётган хоразмлик бу азамат машъал область миришкорларининг зафарлари ҳақида дўстларига қувонч билан сўзлаб бермоқда.

Слёт қатнашчиларини, гвардиячиларни, комсомол-ёшларни табриклагани ёшлар — пионерлар келишди. Каттакон залга худди қуёш кириб келгандек. Дўстлик садолари чин юрақдан чиққан қўшиқлар янграйди, бахтиёр ёшлик, меҳнат, қаҳрамонлик, тинчлик тўғрисида шеърлар ўқилади.

Қалби жонажон Коммунистик партиямизга чексиз меҳр-муҳаббат ва садоқат ҳислари билан тўлиб-тошган, партия XXII съезди улуғ режаларини амалга ошириш учун отланган ёшларимиз коммунизмнинг нурли чўққиларига тезроқ етиб бориш, оғир ишларни техника елкасига ортиб, меҳнат унумдорлигини мисли кўрилмаган даражада ошириш ҳақида кенгашмоқдалар.

...Таҳаффус вақтида ўзбек чилдирмасининг гижжанги авжига минади. Рус ва ўзбек, озарбайжон ва қирғиз, тожик ва туркман, қондош-қондош халқларнинг фарзандлари рақсга тушмоқдалар. Меҳнатни улуғлаб қўшиқ айтмоқдалар. Слёт оддий йиғилишгина эмас, чинакам дўстлик ва ҳамкорлик анжуманига ҳам айланиб кетди.

Ҳамид НУРИЙ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ №2

21 АВГУСТ 1964 ЙИЛ
№ 194 (12.848).

ЎРТОҚ ПАЛЬМИРО ТОЛЬЯТТИ СОҒЛИҒИНИНГ 1964 ЙИЛ 19 АВГУСТДАГИ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТ

Рим университети медицина факультетининг хизмат кўрсатган арбоби профессор Чезаре Фругони, профессор Марио Спаллоне, академиклар В. Х. Василенко, Е. В. Шмидт, хизмат кўрсатган фан арбоби профессор А. М. Марков, профессорлар Р. А. Ткачев, О. С. Горбашева иштироки билан кеча ва бугун консилиумлар ўтказилди.

Касалликнинг ўтиши батафсил анализ қилиниб, бемор кўриб чиқилганидан кейин Ўртоқ Пальмиро Тольяттида миянга қон қуйилиш натижасида бошланиб кетган инсульт борлигини консилиум якдиллик билан тасдиқлади.

Кейинги кунларда бронхопневмония зўрайиб кетганлиги учун ҳам касаллик айниқса оғир ўтмоқда. Коматозлик ҳолати ончалик чуқур бўлмай қолди.

Ўтказилаётган ва бундан буён ўтказилмоқчи бўлган даволаш чоралари хусусида бамаслаҳат тўла бир фикрга келинди.

Беморнинг температураси 38,0 бўлиб турибди, нафас олиши минутига 30 та, томир уриши бир маромда минутига 90-100 та, томирда қоннинг юриши яхши, қон босими — 130/80-150/90.

Профессорлар: Чезаре Фругони, Марио Спаллоне, академиклар: Владимир Василенко, Евгений Шмидт, профессорлар: Александр Марков, Роман Ткачев, Ольга Горбашева.

Янги совхозлар

САМАРҚАНД. Ғаллаорол тоғ этакларида, «Бахмал» совхози ёнида «Қорақишлоқ» номли янги хўжалик пайдо бўлди. Бу хўжаликка жуда унумдор ва экилган ўтлар яхши униб чиқадиган сугориладиган ва лалмикор ерлар ажратилди. Ихтисоси ўзгартириладиган хўжаликларнинг ана шу ерлардан интенсив фойдаланиши плани тузилди. «Бахмал» совхози гўшт корхонасига айлантирилади. Ундан ажралиб чиққан «Қорақишлоқ» совхози эса механизациялаштирилган ғаллачилик-чорвачилик корхонаси қилиб ихтисослаштирилади.

Областда ташкил қилинаетган бошқа янги совхозларда ҳам қатъий ихтисослаштириш принципи асос қилиб олинади. Нурота районида Свердлов номли ва Киров номли совхозлар тузилди. Булардан бири боғдорчилик хўжалиги, иккинчиси гўшт-суг хўжалиги бўлади. Каттақўрғон ишлаб чиқариш бошқармасида ихтисослаштирилган «Мойбулоқ» ва «Олтинсой» қўйчилик совхозлари иш бошлади.

Кейинги вақтда Самарқанд областида ихтисослаштирилган тўққизта янги совхоз ташкил қилинди. (ЎзТАГ).

Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасидаги 2-«Оққўрғон» совхози механизаторлари пахта теримига шайланмоқдалар. Суратда: механизаторлар (чапдан ўнгга) И. Шабанов, Т. Абдукаримов, Т. Номозов, А. Узоқов ва А. Рўзиқулов ўртоқлар.

А. Тўраев фотоси.

МАШИНАМ

Меҳнатсевар, ишда бардам
машинам,
Колхозчига дўсту ҳамдам
машинам.
Мақтовингни ёзар бўлсам
достондир,
Достонларда қулган бўстон
машинам.
Сен қўл келиб зўр ишларни
енгдик биз,
Меҳнат завқин топдик сендан
энди биз.
Сен бор экан, бўлмас бизнинг
тенгимиз,
Ҳайиқмаймиз хору хасдан,
машинам...
Бу йил ортиб ғаллакорлик
шонимиз,
Яна бутун бўлди, бутун нонимиз.
Кўкни ўпса эртага хирмонимиз,
Олқиш ёғар баланд-пастдан
машинам.
Одимлайвер, йўлларингда гул
унсин,
Қудратингдан элни бахти қулф
урсин.
Завқим тошиб дейман: — қулинг
ўргилсин!
Юр шамолга йўл бермасдан,
машинам.

Толиб ИУЛДОШ.

Пахта далаларида

Бу йил Ўзбекистон бошқармаси хўжаликларида 200 та «зангори кема» ишлайди. Механизаторлар терим мавсумига пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. «Комсомол» совхозида 24 та, «Ғаниобод» совхозида 30 та терим агрегати мавсумга тахт қилиб қўйилди.

А. ПАТТОЕВ.

●

Янги ерларни ўзлаштириш бошқармасига қарашли Гагарин номли совхознинг Юсуп Ортиқов бошлиқ бригадаси аъзолари 170 гектар ердан камида 25 центнердан пахта етиштириш учун курашмоқдалар. К. Шербеков, А. Ортиқов ўртоқлар чопиқ тракторлари қувватидан яхши фойдаланиб, қатор ораларини вактида чўкур юмшатмоқдалар. Ҳозир ҳар туп ғўзада 10 тагача кўсак бор.

А. НОМОЗОВ,
К. АҲМЕДОВ.

●

Вобкент бошқармасидаги «Шофрикон» колхозининг Қодир Тўраев бошлиқ бригадаси далаларида бўлсангиз, ҳар туп ғўзада ҳозир 10-12 та тўқ кўсак санашингиз мумкин. Бригада аъзолари гектаридан 45 центнердан ҳосил олиш учун ғўза парваришини давом эттириб, кўсакка-кўсак қўшмоқдалар.

Ф. ҚУРБОНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбирлар постининг аъзоси.

●

Шу долзарб дамларда Ҳазорасп бошқармасидаги Ленин номли колхоз далаларида 32 чопиқ трактори тўхтовсиз ишлаб турибди. Искандар Юсупов чақиригига қўшилган Ойманжон Қутлимуродова бошлиқ бригада аъзолари 60 центнерлик ҳосилни кўзлаб меҳнат қилиб, ҳозиргача ҳар туп ғўзада 12-13 тадан кўсак бўлишига эришдилар.

Э. БЕКМАТОВ.

●

Чироқчи бошқармасидаги «Коммуна» колхозида бир йўла катта массивлардаги ғўза суғорилмоқда. Натижада катта майдонларда ғўзани икки томонлама культивация қилишга шароит яратиб берилянти. Бу эса сувчилар ва тракторчилар иш унумини анча оширди.

Н. ЛОЖКИН.

«Яна бир ғайрат қилсак мажбуриятни ортиқ билан қоплайдиган даражада ҳосил тўплаймиз». Оҳунбобоев бошқармасидаги «1 Май» колхози аъзолари ана шундай шиор билан ғўза парваришини сира бўшаштирмай давом эттирмоқдалар. Колхозчилар бу йил хўжаликни қолоқликдан чиқариш ва илғорлар даражасига етказиб олиш учун қатъий бел боғлаганлар.

А. ЎРИНОВ.

ХУШХАБАРЛАР

Қашқадарё областидаги «Қарши» совхози коллективи сут тайёрлаш йиллик планини ошириб бажарди. Пландаги 1295 ўрнига 1495 центнер сут топширилди.

●

Охунбобоев бошқармасидаги Тошлоқ пахта заводига қарашли Кумтепа пахта пункти коллективи мавсумга пухта тайёргарлик кўрди. Ҳозиргача 7125 тонна пахта сиғадиган 21 та майдонча сифатли ремонтдан чиқарилди. Шунингдек, колхозлардан қабул қилинган пахтани тез қуритиб, пахта тозалаш заводига жўнатиш учун Биковлар сушилкаси қурилди.

Бу йил ҳамма пахтани қоп-қанорсиз қабул қилиш мўлжалланмоқда.

●

ҚАРШИ, («Совет Ўзбекистони»нинг махсус мухбири), Шаҳрисабздаги консерва заводи коллективи республикамиз ва Узмонпартиянинг 40 йиллик тўйига атаб 22 миллион банка консерва ишлаб чиқариш мажбуриятини олди. Бу мажбуриятни 5 декабрь — Конституция кунига бажариш учун кураш қизитилди.

●

Юбилей вахтасида туриб меҳнат қилаётган Ғаллаорол паррандачилик фабрикаси коллективи давлатга тухум сотиш йиллик планини муддатидан илгари 138,9 процент бажарди. Паррандабоқарлар 820.500 та жўжа очириб, бу соҳадаги планни ҳам ошириб бажарди, этдилар.

Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг шонли 40 йиллик юбилейини муносиб кутиб олишга аҳд қилган фабрика аъзоматлари йил охиригача давлатга яна 2 миллион дона тухум топшириш, ҳар бир товуқдан камида 150 донадан тухум олиш учун курашни қизитиб юбордилар.

ШОШИБ ҚОЛМАЙЛИК

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ ҳақида

Янги қўрғон бошқармасининг миришкор деҳқонлари серқуёш республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли қирқ йиллик юбилейи нишонланадиган йилда ҳар қачонгига қараганда ғоят самарали, ғоят фидокорона меҳнат қилиб, катта-катта майдонларда мўл ҳосил етиштирмоқдалар.

Йиғим-терим авж олдирилаётган олтин кузнинг тўнғич ойи сентябрь кун сайин, соат сайин яқинлашиб келяпти. Фидокорона меҳнат маҳсули — момиқ дурдоналар теріб олинадиган дамлар яқин. Шундай экан, давлат омборлари минглаб, миллионларнинг самарали меҳнати туфайли етиштирилган янги ҳосилни қабул қилиш, нобуд қилмай сақлаб қолишга шайланганми? Биз бошқармадаги Чортоқ, Янгиқўрғон, Қизилравот, Еркатай, Уйчи ва Жийдакапа пахта пунктларида бўлдик.

Чортоқ пахта пункти мавсумда колхозлардан 16 минг тонна «оқ олтин» қабул қилади. Хўш, ана шу миқдордаги маҳсулотни ўз вақтида қабул қилиб олиш учун шароит яратилганми бу ерда? Пункт коллективи қизил карвонларни кенг қулоч очиб кутиб олишга шай. Бўлажак бунтларга ажратилган жойлар, майдонлар асфальтланган. Бу йил қўшимча равишда 15 минг квадрат метр ерга асфальт ётқизилиб, бешта янги бунт учун жой ҳозирланди.

Иккита қуритиш-тозалаш цехи сифатли ремонт қилиниб, мавсумга тахт қилиб қўйилди. Янги устахона ва ишчилар учун ётоқхона қуриб, фойдаланишга топширилди. 5 та янги транспортёр, «ПТХ-20» маркали пахта узатиш машинаси сотиб олинди. Яқинда фарғоналик ака-ука Биковлар яратган иккита пахта қуритиш агрегати келтирилди. Пункт территорияси тўла электрлаштирилиб, ёнғинга қарши асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. 10 та автоматик тарози созланиб, тартибга келтирилди. 33 та майдонча ва 17 та айвон жорий ремонтдан чиқарилди, 330 та брезент, 7 минг этак ҳозирлаб қўйилди.

Янги ҳосилни пухта тайёргарлик билан кутиб олишда аҳил коллективнинг ҳар бир аъзоси бир тану бир жон бўлиб ишлаётир. Қуритиш-тозалаш цехи бошлиғи Ҳамид Каримов, смена мастери Муфитилла Дадахонов, слесарь Саримсоқ Ҳожиев, монтёрлардан Мурод Отахонов, Сиддиқ Носиров ва бошқалар намуна кўрсатиб ишлашяпти. Пунктда ишчи ва хизматчиларнинг самарали меҳнатдан сўнг маданий ҳордиқ чиқариши, мириқиб дам олиши учун барча шароитлар бор.

Уйчи пункти бу йилги мавсумда қариб 10 минг тонна пахта қабул қилиб олади. Бу масъулиятли ва шарафли ишга пункт барвақт тайёрлаб қўйилган. Бу ерда механизмлар ва асбоб-ускуналар ремонтига алоҳида аҳамият берилганлиги сезилиб турибди. Пункт территорияси кўргазмали воситалар билан чиройли безатилган.

Жийдакапада жойлашган пунктда пахта бунтланадиган 14 та майдонча, 6 та транспортёр, 2 та автоматик тарози, 1 та «ПТХ-20» маркали механизм яхшилаб ремонтдан чиқарилиб, янги ҳосилни қабул қилиб олишга шайлаб қўйилган. Пахта қуритиш ва тозалаш цехи ҳам тайёр. Брезент, этак, ёқилғи етарли миқдорда жамгарилган. Ёнғинга қарши курашда фойдаланилади воситалар мавжуд. Ишчилар ётоқхонаси ва лаборатория барвақт ҳамда сифатли ремонтдан чиқарилган.

Бироқ, пахта йиғим-терими мавсумига ҳамма ерда бир хил тараддуд кўрилянти, деб бўлмайди. Бошқармага қарашли Янгиқўрғон пунктида (мудири И. Дадабоев) ремонт ишлари чалакам-чатти бажарилмоқда. Биноларни оқлаш, бўяш, территорияни супуриб-сидириб, шиор ва плакатлар билан безашга эътибор берилмаётир. Ишчи ва хизматчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш тадбирлари амалга оширилмаётир. 2-пахта тозалаш заводи томонидан тузилган графикка мувофиқ пахта пункти 10 августга қадар мавсумга шай қилиб қўйилиши керак эди. Афсуски, ҳанузгача аҳвол деярли ўзгаргани йўқ.

Айрим раҳбарлар ғўзанинг ривожи бу йил бир оз кечикди, деган баҳонани рўкач қилиб, пахта пунктларини ремонт қилиш ишларини ўз ҳолига ташлаб қўйганлар. Чунончи, «Қизилравот» совхозининг директори ўртоқ Шерматов: «Теримга бу йил 10-15 сентябрда киришамиз, шу сабабли ҳам совхозимиз ҳузуридаги пункт-заводни кечроқ ремонт қилсак бўлади», деган кайфиятда юрибди. Асбоб-ускуналар бултурги мавсумда қандай тўхтатиб қўйилган бўлса, ўша ҳолича ётибди.

Еркатай пунктида ҳам қатор камчиликлар мавжуд. Пункт мудири Абдуллаев ва лаборатория мудири Обидов ўртоқлар лаборатория биносини ремонтдан чиқаришга етарли аҳамият бермаганлар.

Янгиқўрғон ишлаб чиқариш бошқармаси ва унинг партия комитети юқорида зикр этилган камчиликларнинг олдини олиб, пахта пунктларини йиғим-терим мавсумига тахт қилиб қўйиш ва миришкор деҳқонларнинг самарали меҳнати туфайли етиштирилган «оқ олтин» дурдоналарини ўз вақтида қабул пунктларига ташиб олиш ва шу билан бирга халқимизнинг олтиндан ҳам қиммат пахтасининг бир чигитини ҳам нобуд бўлишига йўл қўймаслик чораларини кўришлари лозим.

Рейд бригадаси аъзолари:

А. ТУРСУНОВ, Н. ИУЛДОШЕВ, Н. ЖЎРАБОЕВ,
«Меҳнат байроғи» газетаси ходимлари.
Ҳ. ТОЖИБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг махсус мухбири;
Андижон области.

ВАЪДАЛАР ҚОП-ҚОП...

Сентябрь тонги отишига саноқли кунлар қолди. Мактабларнинг ўқувчилари ғўзал лагерлар билан хайрлашиб, онамактабларга қучоғига шошиляптилар. Улар ўз мактабларини чиройли, тоза ва кўркам ҳолда кўришни орзу қиладилар.

Мактабларда машғулотлар тамом бўлаётган пайтларда Иштихон район халқ маорифчилари, оталиқ ташкилотлари, колхозларнинг коллективлари мактаблар ремонтини қисқа муддатда тамомлаш ва янги ўқув йилига пухта шайланиш ҳақида мурожаат қабул қилган эдилар. Уларнинг бу ташаббуси Самарқанд область партия комитети томонидан қизғин маъқулланган эди.

Бироқ иштихонлик маорифчилар бу ташаббусни бошладилар-у, уни охиригача етказа олмадилар. Дастлабки кунларда анчагина мактабларда жамоатчилик ва ота-оналар кучи билан ўтказилган ремонт ишларини ҳисобга олмаганда, айтарли жиддий ўзгариш ясалмади. Улар 1 августга қадар барча мактабларда капитал ва жорий ремонтни тамомлаш, янги синфхоналар қуриш ва уларни фойдаланишга топширишга аҳд қилган эдилар. Августнинг ярмидан кўпи ўтибди-ю, аммо ваъдалар ҳамон амалга оширилган эмас. Капитал ремонтдан чиқарилиши керак бўлган мактаблардан 10 тасида ремонт ишлари асоссиз равишда чўзилмоқда.

Район марказидаги 8-сон ўн бир йиллик мактабнинг 26 та синфхонасини қайта қуриш мўлжалланган эди. Район халқ маорифи бўлимининг мудири Исоқ Қиличев ва районлараро қурилиш идорасининг бошлиғи Юсуп Раҳматов ўртоқларнинг масъулиятсизликлари оқибатида режалар қоғозда қолиб кетмоқда. Самарқанд район мактабларида ҳам ремонт ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Шу вақтгача 200 мактабдан эндигина 150 таси капитал ва жорий ремонтдан чиқарилди. Ўргут посёлкасидаги мактабларда аҳвол янада ачинарли. Посёлка Совети территориясига жойлашган 15 та мактабдан бор-йўғи 7 таси ремонтдан чиқарилган-у, қолганларига ҳали қўл урилгани йўқ. 105-сакқиз йиллик мактаб учун 6 та қўшимча синфхонаси қуриш ўтган йилиёқ бошланган эди. Лекин 30-қурилиш-ремонт участкаси бошлиғи Эргаш Халиловнинг айби билан қурилиш ишлари ярим йўлда қолиб кетди.

Ғаллаорол, Каттақўрғон, Пойариқ, Пастдаргом районларининг мактабларида ҳам бундай ачинарли аҳволни кўриш мумкин. Область халқ маорифи бўлимидаги ўртоқлар бу ҳолларга қандай қараяптилар? Нима учун улар амалий иш, юксак ташкилотчилик ўрнига бўшанглик кўрсатяптилар?

А. МУХТОРОВ,
С. ОРИПОВ,
«Ленин йўли» газетасининг ходимлари.
Л. ЭРГАШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Хатларингизга ЖАВОБ берамиз

«БЕМОРНИНГ КЎНГЛИ НОЗИК»

— Бемор медицина муассасасига дардига шифо топиш учун келади. Шундай бўлгач, медицина ходимлари унинг овозига қулоқ солиши, шикоятини тинглаб, амалий ёрдам кўрсатиши керак. Афсуски, Поп район амбулаториясида хизмат қилаётган айрим медицина ходимлари шундай қилмаётирлар. Улар беморлар билан кўпол муомалада бўлаётирлар,—дейилади меҳнаткашлардан олинган шикоят хатида.

Редакция хатни Фарғона қишлоқ область соғлиқни сақлаш бўлимига юборибди, унда келтирилган фактларни текшириб кўришни илтимос қилди. Шу муносабат билан редакция область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Г. Мирзаевдан жавоб хати олди. Унда бундай дейилади.

Махсус комиссия текшириш ўтказганда шикоятдаги фактлар тасдиқланди. Уз вазифасига совуқконлик билан қараган, беморлар билан кўпол муомалада бўлгани учун Поп район амбулаториясининг ходимлари Замерина ва Кимларга қаттиқ виговор эълон қилинди. Бош врач М. Исаевга амбулаторияни малакали медицина ходимлари билан мустаҳкамлаш топширилди.

Николай СИЗОВ.

РЕДАКТОР

Ёзувчи Николай Сизовнинг шу йил босилиб чиққан «Машаққатли йиллар» романида тасвирланган воқеалар 1950—1953 йилларда Марказий Россия областларидан бирида, унинг бир районида ва Москвада содир бўлади. Асарда шахсга сиғинишнинг зарарли оқибатлари яққол факт ва далиллар билан кўрсатилади, партия ишига содиқ бўлган, қишлоқ хўжалигини юксалтириш, колхозларни мустаҳкамлаш, қишлоқларни обод ва маданий қилиш йўлида сидқидилл билан жонбозлик кўрсатган софдил партия ва совет ходимларининг ўша даврда қаттиқ таъқибга учраб, тортган машаққатлари ҳикоя қилинади.

Журналист-таржимон Рустам Абдурахмонов шу романнинг таржимасини тамом қилди. Қуйида шу таржимадан парча босамиз.

Николай Озеров тонг ёришганда уйига келди. Газета кечикиб, икки саҳифасини қайтадан верстка қилишга тўғри келган эди. Редактор бир ҳафтача Приозерскда бўлмади: областга семинарга кетган эди. Кеча кечқурун келиб, тўғри райкомнинг биринчи секретари Курганов чақирган кенгашнинг устидан чиқиб қолди. Газетанинг навбатдаги сони унинг иштирокисиз тайёрланган, бу сонда комсомол рейдининг катта материали босилаётган эди. Бу материалдан Озеров бир оз шубҳаланди.

Озеров комсомоллар олдига кирди, қараса, улар говурлашиб, хушчақчақлик билан тўполон қилиб ўтиришибди. Ҳаммасининг руҳи бардам. Редактор бир оз тинчланди. Бироқ, кечқурун Озеров энди редакциядан чиқиб кетмоқчи бўлиб турганида, райкомнинг иккинчи секретари Удачин телефон қилиб, рейд материалини ҳозирча босмасликка таклиф этди. Бу айтишга осон, газетанинг тиражи босилиб бўлай деб турган чоқда уни тўхтатиб бўлармиди? Озеров анчагача ўйламади, лекин Удачин материални олиб ташлайсан, деб қаттиқ туриб олди. Ноилож материал олиб ташланди. Ўрнига тўғри келадиган бир мақола запасдан зўрга топиб қўйилди, минг афсус билан охирги рулон қоғоз ҳам чиқариб берилди ва ниҳоят саҳарга бориб газета тузатилди-ю, қайтадан босиш учун яна машинага олинди. Шундан кейингина Озеров уйига кетди. Табиати жуда тирриқ бўлди. Ўзидан ҳам, Удачиндан ҳам, редакция ходимларидан ҳам жуда жаҳли чиқди. Айниқса Ципкин ёки Ципа деган ёш бир ҳарф теруючи унинг жуда жаҳлини чиқарди. Ципа ҳарф кассаси ёнида туриб қандайдир қўшимча материални тез-тез терар, ҳар замон бошини силкиб, пешонасидаги бир тутам малла сочини орқага иргар ва Озеровнинг борлигини ўё сезмаган бўлиб гап сотарди:

— Албатта, бунақа материални босиб чиқариш учун редакторда пича юрак ҳам бўлиши керак. Бизнинг редакторда эса унақа юракдан йўқ.

Унинг бу гапига бошқа ходимлар ҳам пайров этиб аския қилишди.

Сунгра Озеров комсомол постларининг ҳамма актларини, хатларини, шикоят дафтарларидан нўчириб олинган шикоятларни қайтадан ўқиб чиқди. Бу материалларнинг ҳаммаси жуда кескин эди-ю, лекин рад қилиб бўлмайдиган фактлар эди.

Озеров Курганова телефон қилди.

— Салом, Ўртоқ Озеров, салом. — Курганов-нинг товуши бардам эшитилди. — Менинг олдимга келмоқчимисиз? Марҳамат, Бирон соатдан кейин бўшасам керак. Албатта келинг. Менинг ҳам сизга йиғиб қўйган кўп саволларим бор. Газетанги менга ёқмаяпти.

— Ёқмаяпти? Нега, Михаил Сергеевич?

— Фақат ҳошиясига жимжимадор безаклар, каптарчаларнинг расмлари етишмаяпти, холос. Газетангизни ўқиганимда бенхтиёр қайси бир қўшиқнинг: «Тинч ва сокин сузиб борар кемамиз...» деган сўзлари ёдимга тушади.

Бу гап Озеровга ғайил ботди. Курганов ундан:

— Сиз менинг фикримга қўшилмайсизми? — деб сўради.

— Бугун савдо ходимларини саваламоқчи бўлган эдик, қўйишмади. Материал олиб ташлансин, деган буйруқ олдик.

— Кимнинг буйруғи?

— Ўртоқ Удачининг.

— Редактор Удачин эмас, сиз-ку.

— Мен қаршилик қилдим...

— Демак, қаттиқ қаршилик қилмабсиз. Хўп, бўлган иш бўлибди. Келинг, гаплашамиз.

Бу гапларнинг ҳаммаси редакция ходимлари олдида бўлган эди. Озеров трубкани қўйиши билан унга саволлар ёғилди.

— Нима деди у? Нима, газетамиз ёқмас эмишми унга?

— Фақат ҳошиясига каптарчаларнинг расми-ю, жимжимадор безаклар етишмайди, холос, дейди.

Устма-уст яна саволлар ёғила бергач, Озеров қўлини юқори кўтарди-да, бир нечагина кишидан иборат штатли ходимларни тинчланишга чақирди. Аммо бирон жойда, бирон вақт бирон газетачи ўзини қизиқтирган нарсани билмасдан туриб тинчлангани борми? Бу ҳол журналистлик шаънининг анъаналарига, қонун-қоидаларига зид келган бўлар эди. Озеров ҳам буни биларди, шунинг учун у ўз қаламдош биродарларининг қизиққан масалаларига дарҳол жавоб бера бошлади.

— Газета силлиққина, осойишталик билан чиқяпти, деди.

— Чакана баҳо олмабсиз-ку!..

— Аммо жуда ошириб юборибди.

— Нега ошириб юборади? Тўғри-да.

— Хўш, нимаси тўғри бунинг? — Олег Звонов ҳаммани ўз оғзига қаратиб қўйди.

Улар бир-бирларига қараб олишди, баъзилари кулимсиради, кейин ҳамма жим бўлди. Улар қандайдир ғалати бир гап кутаётганлари афтиларидан кўриниб турарди. Паспортида исми-фамилияси Иван Морковин бўлган Олег Звонов ўзининг район миқёсидаги ходимлик даражасидан алланачон ўтиб кетганлигига имони комил эди. У баланд бўйли, оғзи киши бўлиб, «санъат ходимлари каби» узун соч қўйиб юрарди. Юзида доим ҳорғинлик, зериккинлик ифодаси кўринар, теварак-атрофида ҳаракат қилувчи, юрувчи, мавжуд нарсаларнинг ҳаммасига гўё мурувват билан қараб: «Модомики сизлар менинг ғунохга ботган шу планетада яшашимни истар экансизлар, модомики бу дунё Олег Звоновсиз иш кўролмас экан, майли, мен бу вазифани адо этаман, аммо биласизми, менинг дардимни тушунишга ҳеч ким муяссар бўлолмаса керак...» дегандай бўларди. Унинг майда-майда сариғиш ҳолчалари бўлган бўта қўлари ҳорғин сузилиб, қирраси туртиб чиққан узун бурни остидаги сийрак, жуда бино қўйиб келтирган мўйловлари ғамгин бир тарзда пастга осилиб турарди.

Звонов редакцияда лаёқатли ва истеъдодли киши ҳисобланарди, лекин ходимлар орасида бу фикрга қўшилмайдиганлар ҳам бор эди. Бунга эса у сира парво қилмас эди. Районда бўладиган ҳар хил мажлислар ва кенгашлар ҳақида подвалларда уч устунлаб босиладиган материаллар уникиэди-да, ахир. Энг яхши чўчқабоқар аёллар ҳақидаги қиноялар ва ўрмон кесувчилар ҳақидаги очерклар унинг қаламидан чиқар эди. Спорт мусобақаси ҳақидаги ҳисоботларни, фельетонларни ва ҳаттоки масалларни айтмайсизми? Лекин Звонов кенгашлардан, мажлислардан ва слётлардан ҳисобот ёзишни айниқса яхши кўрарди. «Кенгаш схирида фалон ўртоқ нутқ сўзлади» деб ёзардида, сўнгра ўша раҳбар ўртоқнинг фамилияси такиласида «О. Звонов» деб ўз имзосини қўярди. Бинобарин, Баранов ёки Удачин қаерда нутқ сўзласа, албатта ўша ерда бўлишга бор кучи билан ҳаракат қиларди.

Ҳар қандай шароитда ҳам у ўзини йўқотмай, усталик билан ишини битириб келишига редакциядагилар ҳайрон бўлардилар. Масалан, область партия комитетининг секретари пленум (Баранов ишдан озод қилинган пленумни) ўтказиш учун келганида Звонов интервью олмоқ учун қандай қилиб унинг олдига кирганини ҳикоя қиладилар. Тўғри, бу суҳбат очеркистга баъзи маслаҳатлар бериш билан тамом бўлган, лекин бу маслаҳатларни у ҳеч кимга айтмай, ўз ичига ютиб кетишни афзал кўрган. Нима бўлса ҳамки, иш қилиб Звонов ҳеч қандай гов-тўсиқни писанд қилмайдиган киши эди.

Редакция ходимларининг тўсатдан бўлган бугунги кенгашига Звонов кечикиб келган эди. Лекин у жим турадиган киши эмас, хусусан ҳозирги жуда ғалати гапларни эшитгандан кейин асло индамай туролмас эди. Униси ёмон, буниси бемаза, тили ширасиз, ўткир эмас, ҳажми катта, жуда кўп жойи банд қилади. Бу, албатта, унинг подваллари ва „очеркларига очиқдан-очиқ қилинган шама эди. Шунинг учун ҳам Звонов сўзга чиқиб ўз фикрини айтганларга бирдан ҳужум бошлади.

— Хўш, жаноб сенаторлар, нега мунча ҳовлиқиб қолдинглар? Ёки ёв босиб келдими? Хўш, бизнинг органимизнинг нимаси ёқмади сизга? Нега уни мунча авра-астар қилиб сўкяпсиз? Ажабо, биз ҳарорат ва сўзларимиз билан одамларнинг қалбини жуда келтирмаяпмизми? Ажабо, бизнинг танқид ўқларимиздан бюрократлар ва ношуд раҳбарлар ғужанак бўлиб қолмаяптими? — деб сайраб кетди Звонов ва гапириб-гапириб, сўнгра, бизнинг газетамиз унча ёмон газета эмас, ахир, деди... Звонов, эҳтимол, яна узоқ гапирган бўлар эди-ю, лекин шу пайт кимдир унинг сўзини бўлиб:

— Аммо ўртоқ Курганов бизнинг газетамизни ёмон газета деяпти-ку, — деди.

Звонов сал ўйланиб турди-да, сўнгра яна давом этди.

— Биламан, хабарим бор. Мен унинг ҳузурида бўлган эдим. Анчагина батафсил гаплашиб олдик. Ўртоқ Курганов масаланинг моҳиятига қарайди, албатта. Мен ҳам асосан шуни гапиряпман...

Бирдан кулги кўтарилди. Звонов сўзини давом эттирмоқчи эди, лекин ходимлар говур кўтариб кулардилар, шундан кейин у хафа бўлиб ўтирди. Тагин унинг дардини ҳеч ким тушунмади.

Кенгашдан кейин Озеров ярим соатча кабинетида ўтириб, Курганов билан қиладиган суҳбати учун керакли масалаларни ёзиб қўйди. Сўнгра райкомга бориб, тажрибали ходимларнинг баъзилари билан маслаҳатлашиб олиш фикрига келди.

«Удачининг олдига киришга тўғри келади, — деб ўйлади у. — Рейд масаласини аниқроқ гаплашиб олмоқ керак».

Редактор билан райкомнинг иккинчи секретари ўртасида муносабат яхши эмас эди. Удачин гоҳ газетани аямай сўкар, гоҳ бирдан унга қизиқиб қолиб, ҳаттоки ҳар соннинг планларини, гранкаларни ва саҳифаларини талаб қилиб оларди. Бундай «жонкуярлик» Озеровга ёқмас эди ва буни бир неча марта Удачинга айтган эди ҳам. У бирон вақт фурсат топиб бу ҳақда батафсил суҳбат қилишни, райком нималигини редакторга тушунтириб беришни ваъда қилар эди. Бироқ, ишлар қисталанг бўлиб, суҳбат учун фурсат топилмай келарди. Тўғри, суҳбатга Озеровнинг ўзининг ҳам унча ҳоҳиши йўқ эди.

Озеров Удачининг кабинетига кирди-ю, унинг авзойига қараб, кайфи бузуқ эканлигини дарров пайқади: иккинчи секретарь тунд ва паришон ҳолда деразага қараб ўтирарди.

— Хўш. нима гапингиз бор? Эшитаман.

— Маслаҳат сўрамоқчи бўлиб келган эдим.

— Маслаҳат сўрамоқчи бўлиб? Рейд материалини газетадан олиб ташлаттирди, деб Курганов-га шикоят қилганингда маслаҳат сўрагани келмаган эдинг.

(Охири тўртинчи бетда).

РЕДАКТОР

(Боши учинчи бетда).

— Мен ҳеч кимга шикоят қилганим йўқ. Курганов нинг саволига жавоб бердим, холос.

Удачин вагиллаб кетди:

— Ўртоқ Озеров, сиз шуни бир билиб қўйинг ки, биз сизга лаббайгўй бўлолмаймиз! Ҳар ҳолда мен бўлмайман сизга лаббайгўй! Ўзингизча нималарни текширасиз, нималарни тафтиш қиласиз, нималарни контроль қиласиз. Ким топ ширди сизга шундай қил, деб? Ҳеч ким топширгани йўқ! Ўзингиздан-ўзингиз районнинг пешкадам ходимларини ур-сур қилиб юрасиз. Биз эса яна хабарсиз қоламиз. Хўш, сиз район партия комитетидан ўзингизни юқори қўймоқчимисиз? Чучварани хом санабсиз, Ўртоқ Озеров!

— Гапга қулоқ солинг, Виктор Викторович!

— Йўқ, сиз қулоқ солинг, Николай Семенович, менинг олдимга келибсизми, сиз қулоқ солинг. Олдимизда катта-катта вазифалар турибди: сиз бонг уришингиз керак, ҳайқириқ солишингиз керак. Ҳа! Бонг уриб, район меҳнаткашларини қурашга чақиришингиз керак.

Телефон жиринглаб, Удачиннинг сўзини бўлди. Шу пайт Озеровнинг хаёлига бир ўхшатиш келди: «Қарқур, қарқурнинг ўзгинаси. Қарқур ҳам сайраганида ўзининг қариллашига ўзи маҳлиё бўлиб, бошқа ҳеч нимани эшитмайди».

Удачин телефонда ким биландир бақириб сўзлашиб бўлгач, яна Озеровга тўрсайди. Редактор шу пайт бир амаллаб, кўнглида мадда бўлиб ётган саволини беришга улгурди:

— Виктор Викторович, рейд материалини олиб ташлашга буйруқ беришингизнинг ҳар ҳолда сабаби нима? Балки, сизда қандайдир қўшимча материаллар бордир? Балки, бу материаллар рейд якунларини рад қиладигандир?

Удачин ўтирган креслосида шартта бурилди.

— Очиғини айтганда, мен сизга қатъий буйруқ берган эмасман. Мен фақат маслаҳат бердим: тўхтатиб туринг, сабр қилинг, дедим. Фикримча, шундай дейишга ҳаққим бор. Нимага шундай қилганимни сиз тушунтириб беришни талаб қилясиз. Бундай қилишга гарчи мажбур бўлмасамда, майли, айтиб бераман. Ҳа, материаллар юзаки, далил-исботи йўқ, фактлар билан тасдиқланмаган. Уларни диққат билан текшириб кўрмоқ керак. Ўртоқ Курганов янги киши, бу нарса унга ҳозирча қийинлик қилади. Бу ишни мен қилишим керак. Мен эса раҳбар ҳодимларни қоралашга йўл қўймайман.

Озеров тажрибали газетачи эди. У заводлардаги кўп тиражли газеталарга редакторлик қилган, фронтда чиқадиган газеталарда ишлаган эди. Хамма жойда иш яхши юришиб келган эди. Мана энди бу ерда. Приозерскда, у кattаларга ёқмай қолди. Райком секретарлари биринчи кунданоқ уни хуш кўрмадилар. Нега? Негалигини Баранов ҳам, Удачин ҳам, Озеровнинг ўзи ҳам очиқ айта олмас эдилар. Нима бўлса ҳамки, уларнинг муносабати яхши эмас эди. Бу ҳолдан Озеров аввал анча ташвишланди-ю, лекин сўнгра унча парво қилмайдиган бўлди. Район активи унга яхши қараради. Ҳовлиқмасдан доим осойишталик билан иш кўриш, бошқаларнинг фикрига ҳурмат билан қараш фазилати бу камгап, ҳамиша вазмин газетачини тезда одамларнинг кўзига кўрсатиб қўйган эди ва одамлар Озеровга самимий ҳурмат билан қарайдиган бўлиб қолган эдилар. Аммо унинг бир хусусияти яқол кўзга ташланиб, доим ўртоқларининг ҳазил-мутойибасига ва очиқ кўнгил билан уни мазақ қилиб юришларига сабаб бўларди: Озеров ниҳоятда уятчан эди. Ўзи ҳам бу хусусиятини билар ва уни йўқотишга ҳаракат қиларди. Лекин хозирча йўқотолган эмас эди.

Газета Озеровнинг ўзига ҳам ёқмас эди ва бу тўғрида у кўп ўйлар эди. У жонини жабборга бериб ишлар эди-ю, лекин барибир газета зериктирарли, нурсиз бўлиб чиқарди.

— Редакторимиз бўшангроқ, — деб пўнғиллаб юришарди баъзи ходимлар. Лекин улар ҳақли эмас эдилар. Озеров район партия конференциясида чиқиб сўзлагандан кейин улар бу фикрларидан қайтган эдилар. — Қара, редакторимиз... сафсатабоз, танқидчи экан-ку... — деган эдилар улар.

Кургановнинг районга келганидан Озеров жуда хурсанд бўлди. Янги секретарнинг вазминлик ва ишонч билан иш кўриши, одамларга қандайдир дўстона, меҳр билан қараши унга ёқиб тушди. Тўғри, Озеров разм солиб турибди. Курганов нинг баъзан жуда аёвсиз, жуда қаттиқ қўл киши экانини ҳам сезди.

Сўнгра юз берган кичкина бир воқеа Курганов нинг ажойиб киши эканлигига редакторни астойдил ишонтирди. Бу воқеа райком бюросида юз берди. Мажлис чўзилиб кетди, кўриладиган масалалар кўп эди, ҳамма ниҳоятда чарчаган эди. Яна беш ёки олти кишининг шахсий ишини кўриш қолган эди. Кимдир бу ишларни келаси бюрога қолдиришни таклиф қилди. Ҳамма хурсанд бўлиб бу таклифни маъқуллади. Райком ташкилот бўлимининг мудири Гаранин чиқиб, қабулхонада кутиб ўтирган коммунистларга бони эълон қилмоқчи бўлганида, Курганов уни тўхтатди:

— Тўғри, биз чарчашга чарчадик. Хўш, уларнинг аҳволи нима бўлади? Улар яна бир ҳафта кутиши керак. Кутишгина эмас, қийналиши, азоб чекиши ҳам керак... Йўқ, майли, яна бир пас ўтирамиз.

Озеров кабинетига кириб, Курганов нинг олдида «Голос колхозника» газетасининг тикилиб қўйилган сонлари турганини кўрди. Секретарь нималарнидр дафтарига кўчириб ёзаётган эди. Редакторни кўргач, у бошини кўтарди.

— Қишлоқни эсдан чиқариб қўяяпсиз, Ўртоқ Озеров.

— Ҳар бир сондаги материалларнинг ярмидан кўпи қишлоқ тўғрисида, — деди Озеров эҳтиётлиқ билан эътироз билдириб.

— Гап сонда эмас, балки қандай масалаларни кўтариб чиқишда. Кеча сиз кенгашда бўлганингизда колхоз Устави қандай бузилаётганини эшитдингиз-ку? Ҳозир сизнинг олдингизда турган энг муҳим масала ана шу. Сиз бўлсангиз, луқма ташлаб қутилмоқчисиз. Айтмоқчи, Уставнинг бузилганлиги ҳақидаги сигналларни текширмоқ учун сиз қаерга борасиз?

— Алешинога.

— У ердан ҳам сигналлар бор, жуда ёмон сигналлар. У ердаги ранс жуда ҳам валламат экан, ҳаттоки менга ҳам совға юборибди.

— Корягинми? Уни ҳаммамиз биламиз. Ўта кетган доғоли.

— Гап фақат Корягинда эмас, бошқа колхозларда шундай фактлар йўқми, ахир? Бор. Бу тўғрида хатлар ҳам бор, шу жумладан сизнинг редакциянингизда ҳам бор.

— Тўғри, бор.

— Хўш, бор бўлса, нега уларни папкага солиб қўйибсиз?

Қишлоқ хўжалик артели Уставининг бузилганлиги ҳақидаги сигналлар редакцияда ҳақиқатан кўп эди. Бир кун Озеров шу фактлардан бир дастасини олиб Удачиннинг олдига борди. Райжиркоман ранси Мяютини ҳам ўша ерда экан. Ҳар иккови Озеровнинг гапларига қулоқ солиб турибди, оҳ-воҳ қилдилар, ғазабландилар, сўнгра бундай масалаларни газетада қаттиқ кўтариб чиқмаслик керак, чунки бу тўғрида ҳозир тегишли чора кўриляпти, деб маслаҳат бердилар.

— Ўзинг ўйлаб кўр, — деяр эди гоҳ униси, гоҳ буниси, — шовқин солишнинг нима кераги бор? Ҳангама талабларнинг гап-сўз қилиб юришни учунми? Хўш, газетанинг вазифаси фақат шуми?

Шунга қарамай Озеров бир неча материални эълон қилди. Лекин уларга ҳеч ким эътибор бермади. Шундан кейин Озеров Барановнинг олдига борди. Баранов эса «Текшириб кўрамиз» деб мужмал жавоб қилди. Сўнгра яна бир марта гап орасида: «Уставни бузувчиларни фақат раҳбарлар орасидан излаш ярамайди, бу ишнигиз чакки. Масалага чуқурроқ қаранг», — деб қўйди.

Озеров область газетасига фельетон ёзиб юборди. Аммо у ердан лоақал жавоб ҳам келмади. «Балки Барановнинг фикри тўғридир? Балки, биз ҳақиқатан чакки иш қилаётгандирмиз?» деб ўйлади Озеров.

Курганов Озеровнинг юзига тикка қараб:

— Агар материаллар тўғри бўлса, нега уларни такка босиб қўйибсиз? — сўради. — Ёки кўрқасизми? Аммо кўрқоқдан яхши газетачи чиқмайди.

Озеров бир томондан шундай сўзларга сабабчи бўлгани учун хафа бўлди, иккинчи томондан Кургановнинг фикрлари ўз фикрларига тўғри келгани учун хурсанд бўлди. У, газетада чиққан танқидий материалларга эътибор берилмаганини, бу тўғрида фельетон ҳам ёзганини сўзлай бошлади. Курганов ўйинг юзига тикилиб қараб турди.

— Ҳаракат қилгансиз, уринг кўргансиз... Эҳтимол, шундай бўлгандир-у, лекин, чамамда, қаттиқ туриб, тиришиб ҳаракат қилмагансиз, демак, ўзингизда етарли ишонч бўлмаган, тўғриси, ишончсизлик бўлган.

Озеров уф тортиб қўйди.

— Тузатамиз, Михаил Сергеевич.

— Тузатишга тўғри келади. Бизда ҳали енгилгили ҳаёт кечиришни истайдиган кишилар бор. Уларга қаттиқ ҳужум қилиш керак. Бутун куч билан ҳужум қилиш керак. Турмушимизнинг асосий қонунларидан бири: «Ишламаган тишламайди» деган қонунни биз жуда суст кашлик билан тушунтирялмиз. Баъзан шундай ҳам бўладики, ишламаган ҳатто яхшироқ тишлайди... Сўнгра баъзи раҳбар ходимларимиз тўғрисида ҳам. Ўзим хон — ўзим бек деб юрадиганлар бизда кўпайиб кетибди. Мен ранеман, нимани хоҳласам шуни қиламан, дейдиганлар бор. Шунақа кишиларни... бутун соф виждонли халққа фош қилиб кўрсатмоқ керак. Агротехникани ва илғорлар тажрибасини пропаганда қилишга киришинг. Бу ишга астойдил киришмоқ керак. Бизда бу иш ёмон аҳволда. Жуда ёмон аҳволда. — Курганов шошмасдан, ҳар бир сўзини ўйлаб гапирарди.

— Шуни тушунингки, Ўртоқ Озеров, районни оёққа тургизмоқ керак, унинг бутун кучларини сафарбар қилмоқ керак. Одамларни ғафлат босиб ётибди, уларни уйғотмоқ керак. Улар ишончсизлиги йўқотиб қўйган. Колхоз ишларига ишонч-умидини йўқотиб қўйган. Уларнинг ишонч-умидини қайтадан кўнгилларига жо қилмоқ даркор.

Курганов синовчан назар билан Озеровга яна узоқ тикилиб турди. Суҳбат охирига етиб қолганда Озеров сўради:

— Михаил Сергеевич, ўзи манда бўлса ҳам, лекин қалтис бир масала бор. Ана у савдогарларни нима қилишим керак? Яъни рейд материалини?

— Бунда ҳамма гап аён-ку? Бизда савдо-сотиқ соҳасида расвогарчиликнинг поёни йўқ. Ўғрилар ва муттаҳамлар шунақаям уя қуриб олишибдики, нима қилишингга ҳайронсан. Комсомолларга баллн, ҳар ҳолда уларни чимчилаб туришади. Шундай рейд ўтказишни уларга мен маслаҳат берган эдим. Модомики, ўртоқларда шубҳа туғилган экан, ҳаммасини яна бир бор қайта текшириб кўринг, яхшилаб ковлаб-чиқиришга аниқлаб чиқинг. Виждони соф кишиларни қораламаслик керак, лекин муттаҳамларнинг ҳам бошини силамаслик лозим. Ҳамма гапимиз ана шу. Тушунарлими?

— Тушунарли.

— Ундай бўлса, бориб бажаринг шу ишларни.

Озеров кабинетдан чиқиб кетгандан кейин Курганов ўйланиб қолди. Озеров унинг кўнглига жуда ҳам ёққан эди. Лекин Удачиннинг: «бир нуқсони бор унинг...» деган сўзи миясидан сира кетмас эди.

Олам янгиликлари

АГРЕССОРЛАР ОГОҲЛАНТИРИЛДИ

КИПР

Умум Кипр меҳнат федерациясининг бош секретари Андреас Зиатридис қуйидагиларни айтди: «Совет ҳукуматининг Кипр олиб бораётган адолатли курашни қўллаб-қувватлаш ва республикага ёрдам беришга тайёр турганлиги ҳақидаги баёноти барча кипрликларнинг қалбини шодлик ва миннатдорчилик туйғулари билан тўлдирди... Бу баёнот СССР ҳукумати мустақиллик ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи учун курашаётган кичик мамлакатлар ва халқларни доим ҳимоя қилиб келаётганлигини яқол исбот этувчи янги далилларнинг биридир».

Умум Кипр хотин-қизлар ташкилотлари федерациясининг раиси София Цимилли бундай деди: «Кипр хотин-қизлари Урта денгиз районида ва бутун дунёда тинчлик ўрнатиш йўлида зўр бериб ҳаракат қилаётганликлари учун совет халқига, тинчлик учун қатъий ва изчил нураш олиб бораётган Никита Хрушчев бошчилигидаги Совет ҳукуматига самимий миннатдорчилик изҳор қилмоқдалар.

Совет ҳукуматининг янги баёноти кипрликларнинг ўз ватани мустақиллиги ва бахти учун олиб бораётган курашларига жуда катта мадад беради».

БОЛГАРИЯ

«Земеделско знаме» газетаси қуйидагиларни ёзади: ўзининг интернационал бурчига содиқ бўлган Совет Иттифоқи адолатни, халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини яна бир марта қатъий ҳимоя қилиб чиқди. Соф виждонли кишилар Кипр халқининг курашини ва Урта денгиз районларида хавфсизликни астойдил ҳимоя қилишни Совет Иттифоқининг бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган принципиал сиёсатни оғишмай амалга ошираётганлигини кўрсатувчи ёрқин далилларнинг бири деб ҳисоблайдилар.

КУБА

Куба жамоатчилиги Совет ҳукуматининг Кипрни ҳимоя қилиш йўлида қўйган қатъий қадамларини якдиллик билан маъқуллади.

«Революсьон» газетаси Н. С. Хрушчевнинг Фрунзе шаҳрида сўзлаган нутқининг батафсил баёнини «Хрушчев Туркия ҳукуматини қатъий огоҳлантирди», деган катта сарлавҳа остида босиб чиқарди. Газета Совет ҳукумати бошлиғининг давлатларнинг ички ишларига аралашиш ва уларнинг суверен ҳуқуқларини бузиш халқаро аҳволни ёмонлаштиради ҳамда тинчлик иши учун жуда ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин, деган гапларини алоҳида уқтириб кўрсатади.

ГРЕЦИЯ

Бирлашган демократик сўл партиясининг баёнотида бундай дейилади: Греция ва Кипр халқлари СССРнинг Кипрга ёрдам бериш ҳақидаги самимий ва бегараз баёнотини қизғин маъқулладилар. Греция ва Кипр халқлари бу баёнотни зўр шодлик ва миннатдорчилик туйғулари билан кутиб олдилар. Совет ҳукуматининг таклифи НАТО империалистлари ва турк агрессорларининг агрессив ниятлари муносабати билан уларни тийиб турувчи фактордир.

Бирлашган демократик сўл партия грек халқи номидан Совет Иттифоқига миннатдорчилик туйғуларини изҳор қилиб, ҳукуматни Кипр теварагида бўлаётган ҳозирги воқеалардан дарҳол миллат учун фойдали хулосалар чиқариб олишга даъват этади.

ЯПОНИЯ

Япония газеталари Совет ҳукумати бошлиғининг Фрунзеда сўзлаган нутқи тўғрисидаги хабарларни «Хрушчев АҚШ ва Англиянинг қаранатларини қоралямоқда». («Асахи», «Майнити»), «Хрушчев Кипр проблемасини қурол кучи билан ҳал этмаслик керак, деб огоҳлантирмоқда» («Нихон нэйдзай») деган сарлавҳалар остида босиб чиқардилар.

Газеталар Н. С. Хрушчев нутқининг батафсил баёнини эълон қилиб, низоли масалаларни Кипр тинч аҳолисини ва территориясини бомбардимон қилиш ҳамда ўққа тутиш йўли билан ҳал этишга уринишлар ҳеч бир яхшиликка олиб келмайди, деб таъкидламоқдалар.

ГОЛЛАНДИЯ

«Де телеграф» газетаси: «Руслар Макариосни қўллаб-қувватламоқдалар» деган сарлавҳа остида катта мақола босиб чиқарди. Газета бу мақоласида Н. С. Хрушчевнинг Совет Иттифоқи ўзининг жанубий чегаралари яқинида авж олиб кетиши мумкин бўлган қуроллиниз низо хавфига бефарқ қарай олмайди ва қарамайди, деган сўзларини алоҳида уқтириб ўтади. (ТАСС).

СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ЧИН ҚАЛБДАН ТАШАККУР ИЗҲОР ҚИЛАМИЗ

НИКОЗИЯ, 19 август. (ТАСС). Кипр Республикаси грек миллий палатасининг бўлиб ўтган мажлисида палата раисининг ўринбосари З. Периодис катта нутқ сўзлади. 1959 йилда Кипрга мажбуран қабул қилдирилган Цюрих—Лондон битими, деди у, ўтган йил декабрь ойида оролдаги қонли тўқнашувларга сабаб бўлди. Туркия самолетлари Кипрга ҳарбий ҳужум қилганидан сўнг аҳвол айниқса кескинлашиб кетди, биз, деди Периодис, бу вақшиёна ҳужумларни, шунингдек ўзларини либерал қилиб кўрсатишга интилаётган АҚШ ва Англия ҳукуматларининг позициясини қатъиян қоралаймиз. Улар президент Макариоснинг мактубига аслини олганда ҳатто ҳозир ҳам ҳеч қандай жавоб берганлари йўқ.

АҚШ ва Англия, деди Периодис, туркларни ана шу вақшийликка рағбатлантирдилар ва Хавфсизлик Кенгашида Кипрдаги аҳвол муҳокама қилинганда шармандали роль ўйнадилар. АҚШ ва Англия ўзларининг турк агентлари билан бирга ҳаракат қилдилар, деди у.

«Ким бизга душман-у, ким чин дўст эканлигини яхши тушунамиз, — деди сўзининг охирида Периодис. — Биз Совет Иттифоқига ўнинг доимий ёрдами ва кўмаги учун ҳамда келажакда ҳам бизга бу ёрдамни бериб туришга тайёр бўлганлиги учун чин қалбдан ташаккур изҳор қиламиз. Ўз курашимизда бизга ёрдам кўрсатишга розилик билдирган бошқа ҳамма мамлакатлардан ҳам миннатдормиз. Биз Кипр ҳукуматини қатъиян ва тўла қўллаб-қувватлаймиз. Бизнинг курашимиз ҳаққоний курашдир».

ОЗОДЛИК ОРОЛИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИБ

МОНТЕВИДЕО, 19 август. ТАСС мухбири Е. Ельшов хабар беради: Уругвай пойтахти — Монтевидео шаҳрида Озодлик оролини қўллаб-қувватлаш юзасидан «Озодлик сўл фронти» ташкил этган кўп кишилик митинг бўлиб ўтди. Митингда сўзга чиққан нотиқлар Америка давлатлари ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган кенгашида АҚШнинг тазйиқи остида қабул қилинган Кубага қарши чораларни қатиқ қораладилар.

Уругвай Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари Альберто Суарес митингда сўзга чиқиб, Америка давлатлари ташкилотининг қарори — «контрреволюцияга даъват килишдир, Кубага ва унинг революциясига қарши қаратилган агрессив планнинг бир қисмидир», деди.

Радио орқали олиб эшиттирилган митингнинг қатнашчилари Америка давлатлари ташкилотининг резолюциясига бўйсунмасликни, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик сиёсатига қаттиқ амал қилишни ҳамда халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ҳурмат қилишни ҳукуматдан якдиллик билан талаб этдилар. Улар мамлакатнинг барча меҳнаткашларини ўз сиёсий маслакларидан қатъи назар, Куба билан бирдамлик ҳаракатини кучайтиришга чақирдилар.

Зўр муваффақият билан ўтган митинг ҳукуматни Куба билан муносабатларни узишга ундаётган реакцион кучларнинг кирдикорларига жавоб бўлди.

РАКЕТАНИ УЧИРИШ КЕЧИКТИРИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 19 август. (ТАСС). Кеннеди бурунидан (Флорида штати) олинган хабарга кўра, момақалдироқ разряди «Титан 2» ракетасига ҳамда икки космонавт тушган капсулани орбитага чиқариш мўлжалланаётган «Жеминай» ракета системасининг ер устидаги ускуналарига жиддий зарар етказган. Бунинг натижасида, деб хабар беради Ассоциэйтед Пресс агентлиги, шу йилга мўлжалланган учириш кечиктирилади. Яшин тушиши оқибатида ракета системасининг электрон қисми элементлари шикастланган. Бу эса узоқ вақт давомида текширишни ва шикастларни бартараф қилишни талаб этади. Космик марказ расмий вакилининг таъкидлашича, ракета системасидаги электр симларининг узунлиги 800 миляга баравар.

Тошкент областининг делегацияси Болгарияда

СОФИЯ, 20 август. (ТАСС). Болгария Халқ Республикасидаги Хасково округининг меҳнаткашлари Ўзбекистон СССР Тошкент областининг колхозчилари ва саноат корхоналарининг ишчилари билан мусобақа бошлаганига уч йил бўлди. Ўзбекистон Коммунистик партияси Тошкент саноат область комитетининг секретари Х. Р. Мусохонова бошчилигида Тошкент областининг партия-иқтисодий делегацияси, — дейилади БТА агентлигининг хабарида, — қишлоқ хўжалиги ва саноат соҳасида тажриба алмаштириш учун кеча Хасковога келди. Делегация округда бўлган вақтида бир қанча саноат корхоналарини ва меҳнат кооператив деҳқончилик хўжаликларини бориб кўради, меҳнаткашларнинг саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида эришган муваффақиятлари билан танишади.

Болгария Компартияси Хасково округ комитетининг биринчи секретари Г. Корцанов ҳамда округнинг бошқа партия ва хўжалик раҳбарлари округ чегарасида делегацияни самимий кутиб олдилар.

АМЕРИКАНИНГ БОМБАРДИМОНЧИ САМОЛЁТЛАРИ КОНГОДА

ПАРИЖ, 19 август. (ТАСС). Чомбе ҳукуматига ёрдам кўрсатиш учун Вознесение оролидан кўчирилган «В-26» типидаги учта Америка бомбардимончи самолёти кеча Леопольдвиль аэродромига қўнди, деб хабар беради Франс Пресс агентлиги. «В-26» бомбардимончи самолётлари қўзғолончиларга қарши операцияларда актив фойдаланилаётган «С-130» типидаги Америка транспорт самолётлари кетидан етиб келди.

Америка самолётларининг Конгога келганлиги ҳукумат қўшинларининг маънавий ҳолатини яхшилади», — деди АҚШ давлат секретарининг Африка ишлари билан шуғулланувчи ёрдамчиси Меннен Уильямс Леопольдвилдаги матбуот конференциясида. Франс Пресс агентлиги мухбирининг берган хабарига кўра, Меннен Уильямс «Чомбе ҳукуматига қўзғолонни бостириш учун зарур бўлган ёрдамни кўрсатишга АҚШнинг майли бор», деб таъкидлаган.

СОВЕТ НЕФТИ—ЦЕЙЛОНГА

КОЛОМБО. (ТАСС). Москвада келишиб олинган битимга мувофиқ, совет нефть маҳсулотларини Цейлонга етказиб бериш 1965 йилда ҳозирги миқдорга қараганда уч баравардан кўпроқ ошади, деди матбуот конференциясида Цейлон нефть корпорациясининг раиси К. Алвапиллаи. У, яқинда Совет Иттифоқи ва Бирлашган Араб Республикасига қилган сафаридан қайтиб келди. Совет Иттифоқи Цейлонга мамлакатда ҳар йил истеъмол қилинадиган нефть маҳсулотларининг 80 процентига яқин қисмини етказиб беради.

ТЕЛЕГРАФ ЛЕНТАСИДАН

⊙ Шотландиянинг Эденбург шаҳрида 18- Халқаро санъат фестивали очилди. Фестиваль программасига 183 номер, жўмладан драматик спектакллар, опералар, балетлар, симфоник ва камер оркестрлари, солистларнинг чиқишлари киритилган.

⊙ Италия саноатига чет элдан капитал солиш шу йилнинг биринчи ярмида қариб 72 миллиард лира (ўтган йилнинг биринчи ярмида 14 миллиард эди) ошди. Чет эл капитали мамлакатнинг нефтни қайта ишлаш, химия, фармацевтика ва металлургия корхоналарини қўлга олишга ҳаракат қилмоқда.

⊙ Чикаго шаҳри яқинидаги Диксмур деган жойда яна негрлар билан полиция ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтди. Оломонга бир неча марта ўқ узилди. Полициячилар итлар ва кўздан ёш оқизувчи газни ишга солдилар.

⊙ АҚШ давлат секретарининг Африка ишлари билан шуғулланувчи ёрдамчиси М. Уильямс Браззавилга келди. У Конго ҳукумати аъзолари билан музокаралар олиб боради. Уильямснинг Конгога (Леопольдвиль) қайтиши ва мамлакатда қўзғолончилар ҳаракатини бостириш мақсадида АҚШнинг ҳарбий ёрдамини кенгайтиришга тааллуқли масалалар устида у ерда Чомбе билан музокаралар олиб бориши кутилади.

⊙ Ливан парламенти Шарль Хелуни Ливан Республикасининг президенти қилиб сайлади.

⊙ Шу йилнинг биринчи ярмида Японияда 420 минг киши тўла ишсиз эди.

⊙ Туркияда 450 минг киши шилпиқ касалига чалинган. Улардан 36 минг киши ўтган йилнинг ўзида кўр бўлиб қолди. «Жумҳурият» газетаси шу рақамларни келтириб, бундай фожиали аҳволга сабаб, етарли миқдорда касалхоналар ва поликлиникаларнинг йўқлигидир, деб ёзади.

⊙ Ҳиндистоннинг Жамма ва Кашмир штатида дарёларнинг тошиб кетиши натижасида 12 киши сувга ғарқ бўлган. Бир қанча уй ҳайвонлари ҳалок бўлган. (ТАСС).



Дўстлик госпитали — Совет Иттифоқи томонидан Индонезия халқига қилинган совға дир. Суратда: Жакарта шаҳрида барпо этилган Дўстлик госпиталининг бош корпуси. В. Череднцев фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ТОМОША ЭЪЛОНЛАР

РАДИО

21 АВГУСТДА

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 — Тонгги концерт. 7.45 — Маршлар. 8.25 — Механизаторлар учун концерт. 9.25 — Мейн. Симфоник сюиталар. 10.30—Концерт. 11.15 —Медицина темаларида эшиттириш. 11.25 — «Шаҳарларимиз ҳақида куйлаймиз». 13.30—«Бокукос» халқ ансамбли. 16.00 — «Шонли 40 йиллик олдидан». Ўзбекистон ССР халқ артисти Н. Ғуломов ижодига бағишланган концерт-очерк. 18.00 — Халқ созандалари ижросида концерт. 19.20 — Қозоқ куйларидан концерт. 20.00 — «Ҳар бир маҳсулот фойдали бўлсин» деган эшиттириш (рус). 20.10 — Дўстлик байрами олдидан. 20.45 — «Механизация деҳқоннинг дўсти». Қўрғонтепа ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Победа» колхозидан эшиттириш. 21.15 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш ва концерт. 22.00 — «Дунё воқеалари». 22.10 — «Ўзбекистон ҳақидаги қўшиқлар». 22.30 — «Шонли 40 йиллик олдидан». Ойдин ҳикоялари. 23.10 — «Зангори кема» капитанлари» деган адабий-музикали эшиттириш.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

21 АВГУСТДА

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Болалар учун ҳикоялар.** 18.35 — **Менинг Десним** (ҳужжатли фильм). 18.45 — **Телевизион янгиликлар.** 19.05 — **«Зангори кема» капитанлари** («Ешлик» студияси кўрсатади).

20.30 — **Эшиттиришлар программаси.**

Рус тилида: 20.40 — **Телевизион янгиликлар.** 21.00 — **Шеърий сатрлар.** 21.30 — **Дўстларга очиқ қалбимиз.** 21.50 — **Навқирон Осиё баҳори** (ҳужжатли фильм). 22.10 — **Концерт** (камер асарлардан).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Олмаота телестудияси эшиттиришлари.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА

23 августда

Катта концерт

Концертда: СССР халқ артистлари **Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева, Галия Измайлова, Саодат Қобилова,** Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Карим Зониров, Саттор Ярашев,** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Жамол Низомхўжаев, Михаил Давидов, Клара Юсупова, Гулнора Маваева, Раҳим Исахўжаев, Авнер Бараев,** солист **Эргаш Йўлдошев** ва халқ чолғу ансамбли қатнашади.

ҲАМЗА НОМЛИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

1964/65 ЯИЛ ҚИШКИ МАВСУМИНИНГ

ОЧИЛИШИ

22/VIII да — **Мирзо Улуғбек.**

23/VIII да — **Қутлуғ қон.**

Спектакль кеч соат 8 яримда бошланади.

Коллектив бўлиб келиш учун билетларга заявкалар қабул қилинади.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/VIII да **Шаҳризода, Штраусиана, Болеро,** 22/VIII да **Чио-Чио-Сан.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/VIII да **Кимга тўй, кимга аза,** 22/VIII да **Жон қизлар.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Каро — «ДРУЖБА» (2-зала), «ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Серёжа — «ВАТАН» (эрталаб соат 10 да).

Тудор (1 ва 2-серия) — «ДРУЖБА» (1-зала), «МИР» (кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» (кеч соат 8-20 минутдан), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб 10 ва кеч 8 да).

Рокко ва унинг биродарлари — **«ИСКРА» (кеч соат 7 гача).**

Толя Клюквин саргузаштлари (эрталаб соат 10 ва 11-45 минутда), **Граф Монте-Кристо** (1 ва 2-серия, кеч 8 яримда) — «ЕШ ГВАРДИЯ».

Ишларинг қалай, йигитча? — «ЕШ ГВАРДИЯ» (кеч соат 8 яримгача), «ЎЗБЕКИСТОН», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Қиморхонадаги фирибгарлик — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 2, 4 ва кеч 6 да).

Қара, йўл кўринади — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «ЮЛДУЗ» (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да).

Ржиник — «МОСКВА» (эрталаб соат 10 да).

ЕЗГИ БИНОДА

(кеч соат 8-45 ва 10-20 минутда)

Унутилмас баҳор — «ОКТЯБРЬ».

Онла тумори — «ВАТАН».

Насриддин Бухорода ва Насриддин саргузаштлари — НАВОИЙ номли.

Рокко ва унинг биродарлари — «ФЕСТИВАЛЬ».

Каро — КАФАНОВ номли, «САЛЮТ».

Ишларинг қалай, йигитча? — «ХЕВА», «ШАРҚ».

Тўйдан кейин — ТЕЛЬМАН номли.

Солдан қочиш — «УДАРНИК».

Уйдаги бола — «1 МАЙ».

Алданган алдамчилар — КИРОВ номли.

Диқкат! Шаҳарда сихргар—ФРУНЗЕ номли.

99-маршрут — СТЕПАН РАЗИН номли.

Лайча эргаштирган хоним — «ПАХТАКОР».

Эсни Чингизга — «РАКЕТА».

КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, МАДАНИЯТ ОҚАРТУВ МУАССАСАЛАРИ ВА БОШҚА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН

Газета ва журналларга

1965 йил учун

ОБУНА ҚИЛИШ БОШЛАНДИ

Обунага заявкалар «Союзпечать»нинг ҳамма бўлимлари ва агентликларида қабул қилинади.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг «Союзпечать» бошқармаси.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26-УЙ.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 26545, Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323, Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469, 27221. Пропаганда — 31226. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 27221. Фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 34451, Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р 11084 ИНДЕКС — 64543. Нашр. № 5 — 194.

Редактор М. ҚОРИЕВ.